

Бола тиббий маданиятининг шаклланишида

таълим муассасаларининг ўрни

➤ Парламентда

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши ва тарбияланишига шароит яратиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Бу истикболга мўлжалланган сармоя ҳисобланади. Зеро, мамлакатимиз аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Ҳар қандай давлат учун энг катта бойлик бу соғлом она ва соғлом бола бўлиб, мустақам саломатликка эга бўлган авлод эса мамлакат келажакнинг пойдеворидир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Мақтабча таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида тиббий маданиятни юксалтириш масалалари" мавзусида ўтказилган давра суҳбатда мамлакатимизда ёш авлодга оид ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсати юртилишининг аҳамияти, бу борада эришилган натижалар ҳамда ечимини қутаётган масалалар хусусида сўз юритилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари таълим масалалари бўлиб ўтган таълим муассасаларида таълим муассасаларидан то олий таълимгача бўлган узлуксиз билим олишлари, касб ўрганиши учун шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган алоҳида таъкидланди.

Кайд этилганидек, мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатини ҳимоя қилиш, миллат генофондини яхшилашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база шаклланди.

➤

Соғлом она ва бола — жамият таянчи

➤ Семинар

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан "Соғлом она ва соғлом бола — юксак келажак гарови" мавзусида семинар ўтказилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази, "Оила" илмий-амалий маркази мутахассислари, тиббиёт ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Рахмонов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари А.Худоев ва бошқалар юртилишида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг вояга еتكанини масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бири эканлигини таъкидлашди. Шунингдек, семинар иштирокчилари "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифалар ҳақида сўз юритди.

Давлат дастурида тиббиёт муассасалари, хусусан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлниклар ва қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самардорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг қўлайлигини, акушер-гинекологлар ва педиатрлар ма-

ласини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, оила кураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўрикдан ўттишини таъминлаш учун тиббиёт ходимлари масъулиятини янада қучайтириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини янада камайтириш, поликлникларнинг замонавий таъхис кўйиш ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини юксалтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юқори даражага кўтариш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парваришлашга доир зарур чораларни амалга ошириш ҳам Дастурдан ўрин олган.

Иштирокчилар ушбу вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари, муассасалар, маҳаллаларнинг ижтимоий ҳамкорлигини қучайтириш зарурлиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

➤



Адолат

қонун устуворлигида

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, экспертлар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, Ҳисоб палатаси томонидан 2015 йил давомида 30 та йўналишда 90 та объектда назорат тадбирлари амалга оширилди. Шундан, ўтган йилда 19 та йўналишда

ги 77 та объектда назорат тадбири тугалланди ва 11 та йўналишдаги 13 та объектда назорат тадбири 2016 йилда давом эттирилмоқда.

Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджетининг 2014 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташки аўдит ва баҳолашдан ўтказилиб, 2016 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджет лойиҳасининг экспертизаси амалга оширилди. Давлат бюджетининг шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан тизимли назорат ташкил этилди, шунингдек, бюджет маб-

лағларининг қонуний, мақсадли ва самарали сарфланиши устидан текширишлар олиб борилди.

Текширувлар натижаларига кўра, қатор молиявий қонунбузарликлар, хусусан, Давлат бюджети маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Кайд этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолати марказда тегишли муассаса ва ташкилотларнинг йиғилишларида батафсил кўриб чиқилиб, айбдор шахсларнинг ҳаракатларига баҳо берилди, тегишли маъмурий чоралар кўрилди ва қонда бузилишларни бартараф этишга қаратилган чора-тад-

бирлар кўрилиб, уларнинг ижроси доимий назоратга олинди.

Сирдарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган Давлат дастурининг бажарилиши ҳамда маҳаллий бюджетлари ижроси текширилди.

Худудларда аниқланган молиявий хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида йўл қўйилишининг олдини олиш, бюджет маблағлари самарали ва мақсадли сарфланишини назорат қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролини ошириш мақсадида, маҳаллий бюджетлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижалари Сирдарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари иштирокида, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул шахсларининг жалб этган ҳолда кенг муҳокама қилинди.

Текширишлар натижаси бўйича Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумотнома ҳамда тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимлик органларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритилиб, бунда етказилган зарарнинг қайтарилишини таъминлаш ва ўрнини қоплаш билан бирга, Давлат бюджети даромадларини қўлайитириш ва амалга оширилган ишлар натижасида давлат ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарарнинг 75 857,3 миллион сўми ундирилиб, 32 317,3 миллион сўмлик турли молиявий камчиликлар ва 19 169,6 миллион сўмлик услубий камчиликлар бартараф этилди.

Ҳисобот даврида кўрилган чоралар ва амалга оширилган ишлар натижасида давлат ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарарнинг 75 857,3 миллион сўми ундирилиб, 32 317,3 миллион сўмлик турли молиявий камчиликлар ва 19 169,6 миллион сўмлик услубий камчиликлар бартараф этилди.

➤

➤ Болалар спорти



Нафосатнинг жажжи маликалари

Эллиққалъалик бадний гимнастикачи қизлар гўзал, нафис чиқишлари билан наинки ҳудудий беллашувлар, балки азим пойтахтимизнинг нуфузли шоҳсупаларини ҳам забот этмоқдалар

Президентимиз Ислам Каримов раислигида шу йилнинг 11 февраль куни Оқсаройда ўтказилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида спортни болаликдан бошлаб ёш авлодимизнинг доимий ошноси, ишончли ҳамроҳи, умрбод дўсти этиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларга юксак баҳо берилди. Болаларимизни ҳам жисман, ҳам маънан гўзал, соғлом қилиб тарбиялашга хизмат қилаётган бу хайрли ишларни мамлакат марказидан анча олис, аммо барча жабҳаларда ташаббусни, илғорликни қўлдан бермай келатган Эллиққалъа тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

➤

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари

➤ Депутат минбари

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг барча жабҳалари жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини барчамиз ўз кўзимиз билан кўриб, аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсишида ўз аксини топмоқда. Бунга мисол қилиб 2015 йил якунларига кўра, ҳар юз оиланинг 42 таси ўзларининг шахсий энгил автомобилларига эга бўлганликларини келтиришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борсангиз, у жойдаги транспорт инфратузилмасининг ривожланганлиги, автомобиллар оқимининг борган сари ошиб бораётганлигини кузатамиз.

Албатта, бундай рақамлар мана шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир инсонда фахр ҳамда ифтихор руҳини янада ошириши табиий. Бирок ривожланиш бўлган жойда ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини ҳам мутаносиб равишда такомиллаштириб боришни такозо этади. Йўлларда автотранспорт воситаларининг кўпайиб бориши билан табиий равишда йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиш эҳтимоли ҳам ошиб боради. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида ҳам бир қатор ҳуқуқий ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

➤

Бугунги сонда:

Раҳбар ҳисоботи ва ижро назорати



Айрим ҚВПлар жойлашган бинолар таъмиртаёб эканлиги ҳам алоҳида кайд этиб ўтилди.

4

Тадбиркор қонун ҳимоясида

Туман ҳокимининг 423-сонли қарори асосида 170,36 кв.м.дан иборат бўлган хусусий қорхонага тегишли савдо дўкони бузилган.



6

"Халқнинг бир жилғасиман..."

1994 йил баҳорнинг илк кунларида атоқли шоира Зулфиянинг 80 ёшлик тўйи олдидан кўрсатув тайёрлаш учун у кишининг хонадонига бордик.



8



Соғлом она ва бола — жамият таянчи

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Семинарда “Соғлом ва баркамол авлодини вояга етказишда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг аҳамияти”, “Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари”, “Репродуктив саломатликни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари”, “Соғлом бола парваришида профилактик эмлашларнинг ўрни”, “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда ижтимоий ҳамкорлигининг аҳамияти”, “Бола-лар саломатлигини мустаҳкамлашда “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг ўрни” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Зухра БОТИРОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
“Аёллар қаноти” кенгаши
раиси:

— “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг қўлланма ишлардан яқин ва узоқ келажакда — истикболда кутилаётган натижалар нафақат бекиёс ижтимоий аҳамиятга эга, балки унда келажак авлодини, миллий генотипни соғломлаштириш ва асраб-авайлашга, ҳеч қандай бўлмаган миллионли бардавомлигини таъминлашга қаратилган, миллий манфаатларимиз учун хизмат қиладиган муҳим стратегик мазмун-моҳият муҳасамдир.

Аёлларни соғломлаштириш — бутун жамият аъзоларини соғломлаштириш, хотин-қизлар фаоллигини ошириш бутун жамият аъзоларини фаоллаштириш, демасда. Бинобарин, аёлнинг дунёқараши, инсоний фаилатлари, ижтимоий-сиёсий тафаккури, маънавияти, саломатлиги даражаси у дунёга келтирилган ва тарбиялаш вояга етказадиган фарзандида ўз ифодасини топади, десак янглишмаймиз.

Шу ўринда айтиш жоизки, фоҳаро қарғилиғини сақлаш соҳасига бевосита ёки билвосита тегишли бўлган амалдаги қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш борасида муаммолар йўқ эмас, бу эса ушбу масалаларда жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга тақозо этади.

Дейлик, йод етишмаслиги ҳолатининг ҳомилага, ҳомиладор аёлга, ўсиб келаётган ёш организмга салбий таъсири борлиги барчамизга аён. Йод етишмаслигининг олдини олишга

қаратилган қонун ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилган. Шунга қарамадан, баъзи жойларда ва оилаларда йодланмаган ош тузининг истеъмол қилинаётганлиги гувоҳ бўлди.

Яна бир мисол, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларга чалиниш, айрим ёшларнинг гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиши каби ҳолатлар



учраётганлиги ҳам инсон соғлиғи, маънавий тарбияси учун хавфли бўлган бундай иллатларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизда масъулликни ошириш зарурлигини англатади.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш масаласига давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий ҳамкорлигини кучайтиришда аниқ режалар асосида фаолият юритилмоқда. Шу маънода ушбу семинар ҳам “Адолат” СДПнинг мазкур йўналишда ижтимоий ҳамкорлик доирасидаги фаолиятини янада самарали олиб боришга хизмат қилади.

Рўзқул ФОЗИЛБЕКОВ,
Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази
раҳбари ўринбосари:

— Республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишидаги туб ислохотларнинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилган. Юртимизда она ва бола соғлиғини таъминлаш борасида замонавий тиббиёт муассасаларининг яхлит ва мукамал ташкилий тузилмаси мавжуд. Бугунги кунда бир қатор тиббиёт марказлари, оилавий поликлиникалар, 3200 дан зиёд кишлоқ врачлик пунктларида мутахассислар замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ишларнинг самаралари йилдан-йилга ортаётди. Буни оналар ва болалар ўлимининг камайиши, миллий эмлаш тад-

бирлари натижасида болалар ўртасида муайян юқумли касалликларга чалиниш ҳолатлари қайд этилмаётганлиги миносида ҳам кўриш мумкин.

Шу билан бирга, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини асраб-авайлашда муҳим бўлган долзарб вазифаларимиз ҳар биримизга масъулият юзлайди. Бунда нафақат мутахас-



сислар ва мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимлари, балки кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро дахлдорлик ҳисси билан иштирок этиши зарур. Жумладан, она ва бола саломатлиги оилавий муҳит билан ҳам боғлиқлигини назарда тутиб, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда оила аъзоларининг тутган ўрни ва аҳамиятини титроқ билан қараймиз.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ҳаётбаҳо ҳар бир қурбонимиз қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улғунлига муроҷиат қилсамиз.



қўлиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим.

Гулнора ЙЎЛЧИЕВА,
Республика “Маҳалла”
хайрия жамоат фонди масъул
ҳодими:

— Бугунги кунда маҳалла аҳолининг аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилаларни мустаҳкам-

лаш, асрлар синовида ўтган миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, тарғиб этиш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳусусий тadbиркорликнинг ривожлантириш каби ўттиздан ортиқ вазифаларни самарали амалга ошириб келмоқда.

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёни, ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви зимамизга янги-янги вазифаларни юклатмоқда. Шундай вазифалардан бири — маҳаллаларда соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзига риоя этиш қўниқмаларини мустаҳкамлаб боришдан иборат.

Хусусан, тарбияда ота-она ибрати, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ва масъулиятини тўлиқ ҳис этиши нақадар муҳим эканини назарда тутиб, маҳаллаларда “Ота-оналар университети” машғулотларини замонавий шакл ва усулларда ташкил этишга жиддий ёндашилмоқда. Оиланинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш она ва бола соғлиғини таъминлашнинг муҳим шарти саналади. Вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, эрта турмуш қуриш ва яқин қариноқлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатларини тушунтириш ишларини мунтазам давом эттириш, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини тизимли тарзда олиб бориш



энг зарур ишлар сирасига кирди.

Қизғин муҳокама, фикр алмашув тарзида ўтказилган семинарда мавзуларга оид таълиф ва мулоҳазалар ўртага ташланиб, зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дилором МАТКАРИМОВА,
“Adolat” мухбири

➤ **Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Тошкентда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари” мавзuida конференция ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, етакчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ва халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши ушбу муҳим соҳада демократик ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу ҳужжатда давом этаётган туб ислохотларда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашга доир муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Хозирги кунда фуқаролик институтларини ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, демократик туб ўзгаришлар ва жамиятимиз ҳаётининг барча жаҳасини эркинлаштиришда уларнинг фаол иштироки таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Конференция қатнашчилари эътиборига 2015 йил давомида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳолатининг мониторинг натижалари тақдим этилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳар йили фуқаролик жамиятида рўй бераётган жараёнларнинг тизимли мониторингини ва таҳлилни ўтказиб келмоқда, ижтимоий-сиёсий ҳамада ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини янада оширишга бағишланган турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

Навбатдаги мониторинг натижалари сўнгги йилларда мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга ошириш, муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида қонунларга риоя қилиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш устидан жамоатчилик мониторингини ўтказишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада кучайганини кўрсатди.

Бу борада мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланиши, унинг институтлари ташкил этилиши ва мустаҳкамланиши йўлида қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва фондлари, касаба уюшмалари, ОАВ, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Булар фуқаролик жамиятининг институционал тузилмасини ташкил этиб, фуқароларнинг муҳим ижтимоий вазифаларини ҳал қилиш жараёнига фаол жалб этиш имконини бермоқда.

Мақбул меъёрий-ҳуқуқий шароитлар шакллантирилиши натижасида тегишли инфратузилма — жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида иштирок этувчи, фуқароларни турли ижтимоий манфаатларни амалга оширишга жалб қилишга қўмақлашувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қўллаб-қувватлаш нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари ва фондлари, касаба уюшмалари ва сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари кучайётганлиги ва мустаҳкамланиётганлиги таъкидланди.

2015 йил январь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунининг қучга кириши давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий ва институционал асосини тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қонуннинг ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кен-

гашлари қошида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тузилди.

Иштирокчилар томонидан ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши юқори баҳоланди. Сўнгги 8 йил мобайнида уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджет хисобидан 47,7 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар йўналтирилди. Бу “учинчи сектор”га йўналтирилган давлат молиявий қўмаги ҳажмининг барқарор ўсиш суръатидан далолатдир.

2015 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларида ННТлар сонини сезиларли даражада ошганини кўриш мумкин. Агар 2010 йилда грант танловларида 275 ННТ иштирок этиб, улардан 82 таси голиб деб топишган бўлса, ўтган йили танловларда қатнашган 528 ННТдан 177 таси грант маблағларини қўлга киритди.

— Ўзбекистонда давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда, — деди “Минтақавий мулоқот” халқаро ноҳукумат ташкилотининг (Словения) Ўзбекистондаги минтақавий директори Мьюша Север. — ННТларнинг рўйхатдан ўттиш тартиби соддалаштирилган, уларга қўшимча имконият ва имтиёзлар берилган бунга яққол мисолдир. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли ННТларнинг ижтимоий ва социал-иқтисодий фаоллиги ортиб, фаолият самарадорлиги изчил юксалаётган.

Мамлакатимизда миллий масс-медиа томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизmlарини тақомиллаштириш, амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида кенг жамоатчилик вақтида хабардор қилинишни ташкилий-ҳуқуқий асосларини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлашга йўналтирилган ислохотлар изчил олиб боришмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонуни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиклиги соҳасидаги муносабатларни қонуний тартибга солиш, мустаҳкамлаш, жамият ва давлат бошқарувида фуқаролар иштирокини янада кучайтириш, уларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқидан янада тўлиқ фойдаланишга кенг имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг “очиклик индекси” ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни жамоатчилик назоратининг муҳим шакли бўлган фуқаролар мурожаати институтининг ривожланишига асос бўлди. Фуқаролар томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига мурожаат қилиш ҳуқуқининг кенгайиши давлат органлари масъулиятини янада оширди.

Сиёсий партиялар фаолиятининг таҳлили уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Худудий вакиллик органларида партиялар фурухларининг ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда қонунлар ва давлатнинг бошқа қарорлари ижросини назорат қилиш ташаббусларини илгари суришдаги фаоллиги ўсиб бормоқда. Жумладан, 2014 йилда 1598 депутатлик сўрови йўлланган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 3505 тани таққил этган.

Конференцияда худудлардаги долзарб масалаларни ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколат ва таъсир қучини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг манзилли ижтимоий муҳофазасини амалга ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар алоҳида таъкидланди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида юксак самараларга эришганини алоҳида таъкидлади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

Адолат қонун устуворлигида

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Зафар СУЛТОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Хисоб палатасининг 2015 йилдаги фаолиятини муҳокама қилиш асосида партияимиз Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялардан келиб чиқиб, ижтимоий соҳаларга ажратилган маблағларнинг мақсадли ва оқилона сарфланиши билан боғлиқ ҳолатларга алоҳида эътибор қаратдик.

Текширишларда аниқланган қонунбузарликларга ҳуқуқий баҳо бериш ва Давлат бюджетига етказилган зарарини ундириш учун 21 та назорат йўналиши бўйича текшириш ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилганлиги, партия Сайловолди дастурида белгиланган барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, «Адолат — қонун устуворлигида» тамойилини амалиётга янада кенг жорий этиш каби устувор вазифаларимизга мос келади.

Бундан ташқари, Хисоб палатаси томонидан Давлат бюджетининг шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан тизимли назорат ташкил этилган ҳамда бюджет маблағларининг қонуний, мақсадли ва самарали сарфланиши устидан текширишлар олиб борилиши ҳамда давлат бошқаруви органлари, назорат этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши устидан назоратни кучайтириш, қонунчилик меъёrlарини бузишга, уларни нотўғри ва эркин талқин этишга йўл қўймасликка доир дастурий вазифаларимизга ҳамоҳангдир.

Шундан келиб чиқиб, келгусида молиявий соҳада қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш, жойларда ҳуқуқни қўллашни амалиётини тақомиллаштириш борасида Қонунчилик палатаси ва Хисоб палатасининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини янада ошириш муҳимлиги юзасидан фракциядошларимиз томонидан тақлифлар билдирилди.

Илҳос САХАТОВ,
“Adolat” мухбири

Темир йўл чипталарини мобиль телефон орқали харид қилиш мумкин

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти чипталарини мобиль телефон воситасида харид қилиш имконияти яратилди.

— 2015 йилнинг 12 октябрдан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида темир йўл чипталарининг электрон сотуви ишга туширилган эди, — дейди “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бўлим бошлиғи Шерзод Алиризаев. — Бу фуқароларга чипталарни интернет орқали харид қилиш имкониятини яратиб, сотув кассалари бўлмаган жойлар, айниқса, олин ҳудудларда яшаётганлар учун қатта қулайлик яратди. Хусусан, ўтган қисқа даврда икки мингта яқин темир йўл чиптаси айнан eticket.uzrailway.uz сайти орқали харид қилинган.

Электрон темир йўл чипталари сотуви тизимини янада тақомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг 23 февралдан мобиль илова ишга туширилди. “Tune Consulting” корпораси томонидан ишлаб чиқилган илова Android ҳамда iOS операцион тизимлари платформасида ишлайди.

Иловада eticket.uzrailway.uz сайтидаги мавжуд барча имкониятлар яратилган. Хусусан, фойдаланувчилар мобиль илова орқали темир йўл чипталарини харид қилиш, поездлар жадвалидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар, темир йўл трансporti соҳасидаги янгиликлар билан танилиши мумкин.

Электрон темир йўл чипталарига тўлов пластик қарточкалар орқали амалга оширилади.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

Ватанни эъзозлаш, асосий тинчлигимизни асраш — вазифамиз

➤ Ватан келажаги ёшлар қўлида

Ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги даврда ахборот олиш имкониятлари кенгаётгани аҳолини, айниқса, ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишни олдимизга долзарб вазифа сифатида қўймоқда.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" ижтимоий лойиҳаси доирасида жойларда ўтказилаётган талбирларда асосий эътибор айтиш шундан иборатки, дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда биз ёшларимизни, ўз фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз зарурлигини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Марказий аппарати томонидан Тошкент қимё-технологиялари институти ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўтказилган "Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги — муҳим вазифамиздир" мавзусидаги давра суҳбатларида ҳам шулар ҳақида ба- тафсил сўз юритилди.

Мазкур талбирларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ва Тошкент шаҳар партия кенгаши масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита мутахассислари, партиянинг "Ёш адолатчилар" қаноти фаоллари, талаба-ёшлар ва ОАВ ходимлари иштирок этди.


Талбирдан қўзланган асосий мақсад ҳозирги глобаллашган ахборот муҳити шароитида ёшларда ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатни шакллантириш, уларга ахборот олиш ва тарқатиш борасида тушунчалар бериш, ахборот оламида ёшларнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда уларда интернет тармоғи орқали бўлаётган турли ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидларга қарши ғоявий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилди.

Иштирокчилар ўз сўзида истиклол йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели"га ҳамда кучли ижтимоий сиёсат принциплари асосланган ҳолда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари Конституциямиз ва қатор қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилгани, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини айтиб ўтдилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мустақиллик йилларида олиб борилган босқичма-босқич, тадрижий ислохотларнинг мантикий ва қонуний давоми бўлиб, бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб берганлиги эътироф этилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, биз яшаётган асрда ёшларнинг маънавияти ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатишга мўлжалланган ахборот психологик хуружлар ва таҳдидларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда интернет оламида кенг учраётган "кибержиноят", "киберфирибгарлик"лар жиноятчилар ва жабрдийдаларнинг интернет маданияти меъёрларига риоя қилмаслиги оқибатида юзга келмоқда.

— Бугунги кунда таълим жараёнида ўқувчи ва талаба-ёшлар интернет тармоғидан ҳам асосий ахборот манбаларидан бири сифатида фойдаланаётгани ҳеч кимга сир эмас, — дейди "Ёш адолатчилар" қаноти фаоли Шахбоз Сайфуддинов. — Айни шу сабабдан ҳам партиямиз томонидан "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасидаги учрашув ва давра суҳбатла-



ри кўпроқ таълим муассасаларида ўтказилмоқда. Тегishли соҳа мутахассислари иштирокида ташкил этилаётган бу каби учрашувлар жуда қизиқарли, интерфаол ва бевосита мулоқот руҳида кечаётгани талбирларнинг таъсирчанлиги ҳамда самарадорлигини ҳам таъминламоқда.

Ҳақиқатан ҳам бугун биз, ёшлар интернетнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда ундан ноўрин фойдаланишнинг салбий жиҳатларини ҳам унутмаслигимиз зарур. Ёш авлодни турли ахборот хуружларидан ҳимоялаш эса ҳозирги глобаллашув шароитида нафақат ота-оналар, оила, маҳалла ёки таълим муассасаларининг, балки бугун жамиятнинг муҳим вазифасига айлانган.

Энг муҳими, талбирларимизда ёшларни турли бузғунчи ғоялардан, экстремистик гуруҳларнинг алдовларидан огоҳ бўлишга, онадек мукаддас бўлган Ватанга доимо содиқ бўлишга, унинг раънақи хисса қўлишга, юртимиздаги тинчлик ва оқсоқилликни қўллаб-қувватлашга ундавчи турли слайд ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилаётгани қўнчиликда қизиқиб ўйотмоқда. Бу, ўз навбатида, ёшларни мустақил республикамизнинг дунёдаги ривожланган давлатлар сафида бўлишга эриштириб, Ватанини севиш, тинчлигимизни асраш ва мамлакатимиз тараққиёти йўлида фидокорона

меҳнат қилишга ундаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ёшларга аҳолининг энг илғор қатлами, Ватанимиз келажакнинг муҳим пойдевори сифатида қарайди ҳамда ўз сафаридаги 50 мингдан ортиқ "ёш адолатчилар" орқали навиқрон авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари, инновацион фикрлайдиган, замонавий билимларни эгаллаган, мамлакатимиз келажакни ўз тақдирга дахлдор деб биладиган, ташаббускор ва фаол ёшлар авлодини шакллантиришни мақсад қилган.

Шу нуқтаи назардан партия томонидан ўтказиб келинаётган "Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги — муҳим вазифамиздир" мавзусидаги талбирлар ёшларнинг ахлоқий-руҳий ҳолати тўғрисида аниқ бир хулосаларга келиш, уларнинг мамлакатда яратилган ахборот макони ва ахборот инфратузилмалари борасидаги билим, қўникмаларини аниқлаш имкониятини яратди.

"Ватан келажаги ёшлар қўлида" ижтимоий лойиҳаси доирасидаги талбирлар республикамизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

Илҳос САХАТОВ,
"Адолат" мухбири

➤ Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови

Обод ва раван йўллар юртимизнинг ҳар бир гўшасига чирой бағишлайди. Бебаҳо қулайлик бўлган катта-кичи йўлларнинг яхши сақланиши, уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳам ҳаётий зарурат, албатта. Бу, ўз навбатида, янги қурилган ёки таъмирланган йўлларнинг узок йиллар хизмат қилишини таъминлайди.

Камчиликлар бартараф этилди

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг "Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси доирасида партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан жойларда қўллаб-қувватлаш ишлари қилинмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам маҳаллий вакиллик органлари партиямиздан сайланган депутатлар томонидан мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этишнинг зарур чоралари қўрилмоқда, жойларда ўрганишлар олиб борилмоқда, тарғибот талбирлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги депутатлик гуруҳи аъзоси, Беруний тумани "Навбахор" сайлов округидан сайланган депутат Нурлибек Мирзамуратов А-380 "Ғузур — Бухоро — Нукус — Бейнов" халқаро автомобиль йўлининг шу тумандаги қисмида юк ташувчи автомобилларнинг йўлдан фойдаланишда тегишли қоидаларга қандай амал қилаётганлигини ўрганди.

Мазкур йўлнинг 691-километрда шебень (майдаланган тош) ишлаб чиқарувчи заводлар жойлашган. Аввало, бу заводларда тайёрланган шебень юк ташувчи автомобилларга меъёридан ортиқ юкланаётганлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Чунки бу ҳол юк машинаси йўлда ҳаракатланганида ундан йўл юзига шебень сочилиб қолишига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, ўрганишлар чоғида Ўзбекистон Республикаси "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида белгиланган талаблар айрим-якка тартибдаги транспорт бошқарувчилари томонидан бузи-

лаётганлиги ҳақида ҳам қайд этилди.

Н.Мирзамуратов мавжуд муаммога ечим топиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бошқармаси раҳбари номига депутатлик сўрови киритди. Натижада юқорида келтирилган шебень ишлаб чиқариш заводларида тайёрланаётган шебени юк ташувчи автомобилларга белгиланган меъёрдан ортиқ, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, бу масалада назоратни кучайтириш бўйича Бошқарманинг алоҳида йўл патруль хизмати гуруҳи 1-2-3-қўйма гуруҳлари раҳбарлари таъинланди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг февраль ойида Беруний ва Амударё туманлари ҳудудларида ўтказилган рейдлар давомида 5 та ҳолатда фуқаролар томонидан юк автомобилларида меъёридан ортиқ шебень юкланганлик ҳолатлари аниқланган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан тегишли тартибда баённомалар расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар қонуний чоралар қўрилиши учун Беруний ва Амударё туманлари ички ишлар бўлиmlари тақдим қилинди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, катта маблағлар ва қўнчиликнинг меҳнати эвазига қурилатган ва биш учун ҳаётий аҳамияти бекиёс бўлган йўлларни асраб-авайлаш, уларга зарар етказмаслик, ён-атрофларини ободонлаштириш ишларига хисса қўниш ҳар бир фуқаронинг маънавий бурчи саналади.

Шарипа ТОРЕШОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши
матбуот котиби

Нафосатнинг жажжи маликалари

➤ Давоми. Бошланғич 1-бетда

Ҳозирги кунда туманда барча қулайликларга эга замонавий ўйингоҳ, сув спорт саройи, барча академик лицей ва касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ҳузурида жаҳон андозлари даражасидаги спорт заллари, майдончалари ишлаб турибди. Улар энг сўнгги русумдаги спорт жиҳозлари билан таъминланган. Бу муассасаларда жами 11511 нафар ўқувчи-ёшлар, шу жумладан, 4587 нафар қизлар спортнинг қўллаб-қувватлаш бўлимида ёрдамчилик қилишмоқда.

Айниқса, тумандаги 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди бадий гимнастикага алоҳида эътибор берилмоқда. 2010 йилдан буён мактабдаги нафосатнинг ушбу жажжи маликаларига ўз ишнинг моҳир соҳибаси, тажрибали мураббий Гўзал Отамуродова сабоқ бериб келади. Ҳозир бу ерда 100 нафарга яқин қизларимиз спортнинг жозибали тури билан шуғулланмоқдалар. Уларнинг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Қиз болаларни оммавий спорт турларига жалб этиш борасидаги тизимли ишлар аллақачон ўз медалларини беряпти. Жажжи нафосат маликалари аввал туман миқёсида ўз маҳоратларини намойиш этган бўлсалар, кейинчалик ҳудудий ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда голиб бўлаётганлар.

Мисол учун спорт мактабининг истеъдодли ўқувчиларидан Моҳидил ва Элимур Хўжамуродовлар "Умид ниҳоллари" мусобақасининг республика босқичида фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Шоҳсупанинг юқори поронаси, биринчи ўрин элликкалбалик спортчи қизларимиз учун ўзига хос мезон бўлиб бормоқда. Хулосамизни аниқ далиллар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. 2012 йилнинг 24-25 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида "Аёл соғлом бўлса, бутун авлод соғломдир" ва "Гимнастика барча учун" шиорлари остида VI аънавий бадий гимнастика беллашуви ўтказилган эди. Унда элликкалбалик жажжи сулувардан иборат "Нафосат маликалари" жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади.

— Президентимиз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгаши йиғилишида соғлом ва баркамол авлод буюк ҳамда ёрқин келажакимизнинг ишончли гарови эканлигини алоҳида таъкидладилар, — дейди тумандаги 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Б.Қамоллов. — Айни чоғда қиз болаларимизни кўпроқ спортга жалб этиш юзасидан қимматли кўрсатмалар бердилар. Албатта, давлатимиз раҳбарининг бу кўрсатмалари биз учун дастуриламал бўлади. Сўзининг якунида шуни айтиб ўтишни истардимки, "Нафосат маликалари" жамоамизнинг бадий гимнастика борасидаги ютуқлари тобора кўпаймоқда. Хусусан, улар Навоий вилоятида ўтказилган "Қамалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалида ҳам фахрли биринчи ўринни эгалладилар. Келажакда улар орасидан олимпия ва жаҳон чемпионолари чиқади, деган умиддамиз.

Ҳаётбек ҚҶҶҚОРОВ,
"Адолат" мухбири

➤ Фикр — ғоя — ҳаракат

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда биз ёшларимизни, ўз фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишимиз зарурлиги Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайлов-олди дастурида алоҳида қайд этилган.

Мафкуравий иммунитет илм-маърифат билан мустаҳкамланади

Партияимизнинг Наманган вилояти ташкилотлари ҳам мазкур йўналишда қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, "Адолат" СДПнинг "Фикр — ғоя — ҳаракат" лойиҳаси доирасида Уйчи туман партия кенгаши томонидан ўқув муассасаларида бир қатор талбирлар ўтказилаётгани эътиборга молиқдир. Яқинда партия фаоллари тумандаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ўқувчилари билан бугуннинг долзарб мавзуларидан бири — "оммавий маданият" ва унинг зарарли таъсири ҳақида мулоқот қилдилар.

Аввало, шуни айтиш керакки, мазкур коллеж тумандаги етакчи ўқув муассасаларидан бири ҳисобланади. Маънавият-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Хамида Бозорованинг таъкидлашича, бу ерда 1076 нафар йилгиз-тахсил олмақда. Улар фермер хўжалиги иш юритувчиси, қишлоқ хўжалиги машиналари ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устаси, ветеринария фельдшер, ЭХМ оператори каби қатор мутахассисларни эгаллаб, аграр соҳани ривожлантиришга муносиб хисса қўнишни мақсад қилганлар.

— Биз талбирни ташкил этиш бўйича аввал фикрларни ўртага ташлаб, батафсил маслаҳат қилиб олгандик. Масалан, мен кўпроқ бугунги глобаллашув жараёнининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида

сўзлашни режалаштирдим, — дейди Уйчи туман партия кенгаши раиси Сирожиддин Жамолов. — Шундан келиб чиқиб, "оммавий маданият"нинг жамиятимизга, айниқса, ёшлар маънавиятига қандай йўллар билан таъсир қилиши мумкинлигини мисоллар ёрдамида тушунирдим. Кейинги нотиклар эса мавзунинг бошқа жиҳатларига тўхтадилар.

Жумладан, вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Саидолм Абдурахмонов доимо зўравонлик эвазига бойлик орттириб келган қушлар "оммавий маданият" ширини остида инсон маънавиятига зид бўлган ғояларни кенг тарғиб қилаётганлиги ҳақида фикр юритди. Бунда улар рок ва поп мусиқа, турли жанрлардаги фильмлар, кўнгилтояқ шоу-томошалар, ўйинлардан фойдаланмоқдалар. "Оммавий маданият" ниқобида аслида аксилмаданият пайдо бўлиб, кенг ёйилиб бормоқда. Қишқини фикрлашдан қалғанда, енгил-елли, сохта "асар"лар нафақат дидни ўтмаслаштиради, балки мафкуравий имунитетни ҳам пайсаттиради.

Партияимиз фахрийси, туман "Саломатлик маркази" раҳбари Аҳмаджон Юсупов ўз сўзини давлатимиз раҳбарининг "Табиийки, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бой-

лик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпрошга қаратилган хатарли таҳдидлар одами ташвишга солмай қўймайди", — деган фикрларини келтиришдан бошлади. Бу теран фикрнинг нақадар муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Мафкуравий таҳдидларга зўр бераётган айрим қушлар дунёқараши ҳали тўла шаклланиб улгурмаган ўсмир-ёшларни "оммавий маданият"да кўп учрайдиган мазмунан саёс, сийқа ва жўн махсулотларга қизиқтириш орқали уларни тўғри фикрлашдан қалғиштиришга, ҳамма нарсасида енгил-елли қараш қўникмасини сингдиришга уринадилар. Жаҳон тараққиёти тажрибасидан маълумки, технологик жараёнлар қанчалик қудратли бўлмасин, ҳаётини олға бошлайдиган, унга маъно-мазмун бахш этадиган куч маданият ва маънавият бўлиб қолаверади.

Албатта, мулоқот қатнашчилари бўлган ёшларни юқорида айтилган фикрлар бефарқ қолдирмади. Улар ҳам медресаводхонлик, интернетдан фойдаланиш маданияти, ҳозирги замон санъатини тушуниш масалаларида ўз фикрларини айтиб, суҳбат яхши таассурот қолдирганини билдирдилар.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"Адолат" мухбири

Табиат мусаффолиги — соғлиқ гарови

➤ Тоза табиат — соф келажак учун

Самарқанд вилоятининг чекка ҳудудларидан бири бўлган Қўшработ туманидаги педагогика касб-хунар коллежида "Тоза табиат — соф келажак учун" лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди.



Ўзбекистон "Адолат" СДП Қўшработ туман кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур талбирда туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Зариф Хотамов, партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва коллеж ўқувчилари иштирок этишди. Туманда аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси ва атроф-муҳитни асраб-авайлашга барчамиз масъул эканлигини ҳақида ўқувчиларга тушунчалар берилди.

Биз табиатни қанчалик асраб-авайласак, у шунчалик қўрқамлашиб бораверади. Биргина мисол: куз фаслида ҳазонрезиллик бошланади, баъзилар дарахтлардан тушган барглари ёқиб юборадилар, натижада бу табиатнинг ифлосланишига олиб келади.

Ёқуд туман марказидаги аҳоли зич жойлашган маҳаллаларда чиқинди солинадиган идишлар бўлишига қарамастан, йўл чеккаларида ахлатлар тўкилиб ётганлиги кўзга ташланади. Баъзан ариқлар, сув ҳавзалари, хиёбонлар ва бошқа жамоатчилик жойларида чиқиндилар тўпланиши ҳоллари кузатилади. Бу эса ўз-ўзидан атроф-муҳитнинг ифлосланишига, аҳоли ўртасида турли хил касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Давра суҳбати давомида ана шу масалалар ҳусусида сўз юритилди. Айни пайтда, ўқувчилар ҳозирги кунда қудук сувларидан фойдаланиш, ободонлаштириш ишлари ва экин майдонларини сугориш учун ичимлик сувларидан фойдаланмаслик ҳақида фикр билдирдилар. Туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи З.Хотамов юртимиздаги ер ости ва ер усти бойликлари давлатимиз мулки эканлиги, ундан юқонуний тарзда ўзбошимчилик билан фойдаланиш қонун билан таъқиқлангани ҳусусида сўз юритди.

Зеро, аждоқларимиз соғлом бўлай десанг ерин, сувини асра, ҳавонини ифлослантirma, деб бежиз айтишмаган. Демак, табиатни мусаффо сақлаш соғлиқ гарови эканлиги бугунги ёшларнинг ҳам ҳаёт аъмолига айланиши керак. Давра суҳбатининг асосий хулосаси шундай бўлди.

Элдор СОДИҚОВ,
Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Раҳбар ҳисоботи ва ижро нозорати

Депутатлик гуруҳларида

Нуробод туманида бугун шундай умидбахш манзараларга дуч келиш мумкин. Чўпон хонадон қуёш батареясида қувват олиб, чароғон бўлмоқда. Интернет алоқаси энг чекка қишлоқларга ҳам етиб бормоқда. Қачонлардир сой устига қурилиб, қишлоқларни боғлаб турган эски, омонат кўприклардан воз кечилиб, улар ўрнига “Инжиниринг” компаниясининг буюртмаси асосида мустаҳкам иншоотлар барпо этилмоқда. Натижада бир-бирини сойлар ажратиб турган қишлоқларга жамоат транспорти узлуксиз қатнашига шaroит яратилмоқда.

Хар битта ўзгариш инсон манфаатлари учун, оилалар фаровонлиги, фарзандлар бахти, камолоти учун хизмат қилмоқда. Бунинг боиси шундаки, ижтимоий юксалишларнинг ташаббускори бўлаётган давлат бошқаруви идоралари, сиёсий партиялар, депутатлар ва жамоат ташкилотлари ислохотлар моҳиятини тегаран хис этишмоқда. Бир-бирларига ҳамкор, мададкор бўлишмоқда.


— Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда депутатлар ўзларини бевосита дахлдор деб англайдилар, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Нодира Баротова. — Шу боис партия вакиллари доимий комиссияларда, сессияларда муҳокамага қўйилаётган ҳар битта масалани муфассал ўрганиш, таҳлил этиши асосида аниқ ҳулосалар чиқаришга ва ижронини пухта назорат қилишга интилоқлар. Натижада дастурий вазифалар қачон, қай тарзда, қимдар иштирокида амалга оширилишидан, энг аввало, фуқаролар хабардор бўлишмоқда, камчилик-нуқсонларга нисбатан ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Ха, Нурободда ижтимоий масалаларга дахлдорлик соҳа раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш, бошқарувда очикликни таъминлаш ва ижронини назорат қилиш орқали ягона ҳаракат стратегиясини амалга оширишни ўз ичига олмақда. Хусусан, депутатлик гуруҳи томонидан учта муҳим соҳага жавобгар бўлган бошқарув идоралари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилгани ва шу асосда аниқ ҳулосалар чиқарилгани эътиборга лойиқдир. Аниқроқ қилиб айтганда, туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Исро-

ил Бердикулов, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари, туман марказий шифохонаси бош шифокори Жамшид Жиянов ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Мурод Жўраевлар депутатларга ўз соҳалари бўйича зарур маълумотларни тақдим этиб, фаолиятни яхшилаш борасидаги керакли тавсияларни олишди.

Эътибор беринг: туманда оилавий тадбиркорлик, чорвачилик ёки асарларчилик билан шуғулланаётганларнинг атиги саккиз нафари Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида меҳнат дафтарчаси очиб, ўз фаолияти қонун асосида муҳофаза қилинишини таъминлаган. Лекин худди шу каби фаолият билан шуғулланиб, мазкур марказнинг қўмақчида фойдаланолмаган, демаски, меҳнат дафтарчаси ва иш стажига қайд этилишига эришолмаган оилалар сонини юздан ортиқ. Депутатлар ана шу тафовутни тутатиш бўйича Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбарининг ишини назоратга олиб, унинг келгуси муҳокамада такрор ҳисоботини эшитадиган бўдилар.

Ёки тиббиёт соҳасига масъул раҳбарнинг ҳисоботи жиддий муҳокамагарга сабаб бўлганлиги ҳусусида фикр юритсак. Тумандаги “Олга” қишлоқ врачлик пунктига мурожаат қилган бемор бу ерданги шифокорларнинг ўз бурчига лоқайдлигини туфайли зарур ташхис ва муолажани ололмади. Туман марказидаги даволаш муассасаларидан бирига ётқирилган депутатлар ҳисобот берган туман бош шифокори Жамшид Жияновга қишлоқлардаги врачлик пунктлари ишини қайта кўриб чиқиш, уларни зарур ташхис усуллари билан таъминлаш



ва соҳа ходимларининг малакасини ошириш вазифаси юқлатилди. Айрим ҚВПлар жойлашган бинолар таъмирталаб эканлиги ҳам алоҳида қайд этиб ўтилди.

Ҳисобот давомида энг асосий масала оилалардаги репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш ва бунинг учун биринчи навбатда қилиниши зарур бўлган ишлар муҳокама қилинган бўлди. Айтиш мумкинки, туманда айни шу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Депутатлар оилаларда тиббий маданиятни юксалтиришга ва бу борадаги тарғиботи кучайтириш учун қишлоқ шифокорлари билан хонадонлар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга, хусусан, патронаж ҳамширалар сонини оширишга эътибор қаратдилар. Ҳисобот учун тақдир этилган бош шифокор депутатларнинг амалий аҳамиятга молик шу каби тавсияларини раҳбарлик фаолиятида ижро учун қабул қилганлиги ҳам эътиборга олинди.

Ҳисоботи депутатлар томонидан кўриб чиқилган туман маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари Мурод Жўраев ҳам йўл қўйиб келинган камчиликлардан жиддий ҳулосалар чиқарганини таъкидладди. Гап шундаки, туманда маданият тадбирлар ўтказиш клуб, дискотека жойлари ва шу каби бошқа муассасалар фаолиятини қондириш даражасида ташкил этишга “зарур маълумотга эга кадрлар етишмайд”, деган баҳоналар билан юзаси қараб келинган. Қолаверса, туманда ёшлар дам оладиган масканларни барпо этишга эҳтиёж бор. Мавжуд клуб, концерт залларининг айримлари таъмирталаб бўлиб қолган.

Муҳокама қилинган жараёнида депутатлар бу йўналишдаги фао-

бошқарувда очикликни таъминлаб, ҳудудий ривожлантириш дастурини бажариш имкониятларини кенгайтирмоқда

лиятни янада яхшилашга доир тақдирларни билдирдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда депутатлик сўровлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада “Адолат” СДП депутатлик корпусининг маҳаллий Кенгашидаги салоҳияти яққол сезилиб турибди. Хусусан, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Эркин Эсиргадиевнинг депутатлик сўрови бўйича “Мажак” ва “Торомуш” қишлоқлари ўртасидаги сой устига янги кўприк қуриш режага киритилди. Ёки туман аҳолисини суюқтирилган газ баллонлари билан таъминлашдаги узилишларга чек қўйиш бўйича газлаштириш идораси раҳбари номига киритилган депутатлик сўрови ҳам ўз ижобий натижасини берди.

Депутатлик гуруҳи раҳбари Нодира Баротова “Омондара” маҳалласида яшовчи Шахзод Раҳматуллаевнинг мурожаатини тезкорлик билан ҳал этиб, унга ногиронлик аравачаси берилганлиги, депутат Баҳридин Қиличевнинг фуқаролар тегинли ташкилотларга электрон мурожаат қилишларини осонлаштириш мақсадида интернет тармоғига уланиш ҳақида “УМС” МЧЖ раҳбариятига киритган сўрови амалий тақдирини топганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумот ўрнида шунини қайд этиш жоизки, “Адолат” СДПнинг маҳаллий Кенгашида

Демак, туман партия кенгаши, депутатлик гуруҳи ва БПТларнинг ўзаро яқинлиги, ҳамкорлиги электорат манфаатларига хизмат қилмоқда. Сиёсий мақсад, вазифаларни тўлароқ амалга ошириш имкониятини яратмоқда. Бу эса партия дастурий қарорларнинг ҳаётини таъминлашнинг энг муҳим шарти саналади.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
“Адолат” мухбири



СДП
хабарлари

Ривожланиш омили

Ўзбекистон “Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгаши ва Урганч давлат университети ҳамкорлигида вилоятда фаолият кўрсатаётган фермерлар учун Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, жойларда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ва замонавий ресурс, тежамкор технологиялар билан таништириш мақсадида “Фермер ҳўжалигида инновацион муҳит — барқарор ривожланиш омили” мавзусида туманлараро ўқув-семинари ўтказилди. Унда туман ҳокимликлари вакиллари, туманлардаги фермерлар Кенгаши раислари, ЎРДУ олимлари, партия фаоллари, фермерлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Семинарда сўзга чиққан Хоразм вилоят партия кенгаши раиси Икром Абдуллаев Ўзбекистоннинг келажаги инновацион иқтисодиётга боғлиқлигини, бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигида замонавий агротехнологияни жорий этиш, ернинг ҳосилдорлигини ошириш, ер, сув ресурсларидан самарали фойдаланишда тежамкор технологиялар муҳим аҳамиятга эга эканлигини, бу ишларни амалга оширишга “Адолат” социал-демократик партияси ҳам ўзига хос ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади.

Университет ўқитувчиларидан Жуманазар Рўзимов, Ойбек Эгамбердиев, Одамбой Раҳимов, Инна Руденко ва бошқалар “Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда инновацион технологиялар”, “Сувдан фойдаланишнинг самарали усуллари”, “Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда ЕМ 38 ускунасининг аҳамияти”, “Муқобил энергиядан фойдаланиш”, “Қишлоқ ҳўжалигида ўғитлардан фойдаланиш услублари”, “Интенсив боғлар барпо қилиш” каби мавзуларда маъруза қилишди. Олимлар семинарда фермерларга қишлоқ ҳўжалигида юқори ҳосил олишнинг асосий манбалари, туپроқ ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири туپроқ шўрланишининг олдини олиш, ўғитлардан фойдаланишда замонавий ускуналарнинг роли, туپроқни химия қилувчи агротехнология тизими биогаз қурилмалари экологик тоза энергиянинг альтернатив манбалардан бири эканлиги ҳақида маълумот бердилар. Семинарда дастурга киритилган барча мавзулар слайдлар орқали ёритиб берилди.

Болалар ва ўсмирлар соғлиғи

борасида яна нималарга эътибор бериш зарур?

Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сирдарё вилоят кенгаши ташкилотчилигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар соғлигини асраб-авайлаш омиллари, эрта никоҳнинг олдини олиш масалаларида семинарлар, давра суҳбатлари ва очик мулоқотлар ўтказиб келинмоқда.



Боёвут туман тиббиёт бирлашмасида “Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажақ” лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирда ҳам асосий эътибор аҳолининг тиббий маданиятини ривожлантиришга қаратилди. Партиянинг туман кенгаши фаоллари, туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этган мазкур тадбирда таъкидланганидек, юртимиз аҳолисининг катта қисmini болалар ва ўсмирлар ташкил этади.

— Дастурий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, жойларда аҳоли, хусусан, болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганишда партиянинг вакиллари фаол иштирок этишмоқда, — деди Боёвут туман партия кенгаши раиси Олимжон Бекмуродов. — Ўрганишлар жараёнида мазкур йўналишда айрим камчиликлар ҳам борлиги қузатилади. Масалан, болалар ва ўсмирларнинг жинсий касалланиш бўйича умумий йўриқнома ва ҳужжатлар, шунингдек, касалланиш бўйича аниқ кўрсаткичлар мавжуд эмас. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлик хизматини такомиллаштириш, шу йўналишдаги муассасаларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш лозим, деб ўйлаймиз.

Иштирокчилар томонидан мавзуга доир мулоҳаза ва тақдирлар билдирилиб, бу борада ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар вазифалар ҳусусида фикрлашиб олинди.

Шахматчилар беллашдилар

Ўзбекистон “Адолат” СДП Когон туман кенгаши ходимлари маънавий тарғибот орқали меҳр-муруват тушунчаларини, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи видео, аудио роликлар тайёрлаб, ёшлар ўртасида тарғибот қилмоқдалар.

Шу билан бирга, “Ёш адолатчилар” қаноти фаоллари ва маҳаллий вакилий органлари депутатлари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида турли мавзудаги мунозаралар, интеллектуал ўйинлар ташкил қилинмоқда. “Заковат”, “Қувноқлар ва зукколар” ва бошқа интеллектуал ўйинларнинг ўтказилиши ёшлар дунёқараши, билими, салоҳиятини ўстиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўқувчи қизларни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида ўтказилаётган “Спорт маликаси” стол тенниси мусобақаси ҳамда ёшлар ўртасида “Шахмат тахтаси” каби мусобақалар эса уларнинг соғлом бўлиб тарбияланишига ҳисса қўшмоқда.

Ўқорида айтиб ўтилган тадбирлар қатори яқинда Когон маиний хизмат касб-хунар коллежида “Қамолот” ЕИХ билан ҳамкорликда ўтказилган “Шахмат тахтаси” мусобақаси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди. Унда туманининг 20 та умумтаълим мактаби ва 2 та касб-хунар коллежи ўқувчилари қатнашдилар.

Мусобакани бир қатор шахмат усталаридан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришди.

Таъкидлаш жоизки, туманда ёшларнинг сиёсий фаоллиги ва огоҳлик ҳиссини оширишга, терроризм ва экстремизмнинг инсоният тинчлиги ва ҳаётига ҳаф солаётган таҳдидини тушунтиришга қаратилган “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Тинчлик ва оқошчиллик учун қурашмоқ керак” мавзусида туркум учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. “Ёшлар тинчлик истайди”, “Ёшлар — гниёхандлик, жиноatchилик ва терроризмга қарши” шиорлари остида туркум тадбирлар ва акциялар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирлар навиқрон авлоднинг ҳам маънави, ҳам жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб ўсишлари учун амалий ёрдам бўлмоқда.

Ўқунинг натижаларига қўра, голиб иштирокчилар ва фаол ёшлар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Шухратжон ҲАСАНОВ,
Зухро МИРЗОХАМДАМОВА,
Хоразм, Сирдарё, Бухоро вилоят кенгаши
матбуот котиблари

Тадбир

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлини маси, Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят кенгаши ва Нишон тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида “Диний экстремизм, терроризмнинг жамиятга зарари ва уларга қарши курашда” “Адолат” СДПнинг вазифалари” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги мажлислар залида уюштирилган учрашувда маҳаллий Кенгаш депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, “Қамолот” ЕИХ, “Нуроний”, “Маҳалла” жамағармалари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Жаҳоннинг айрим мамлакатларида содир бўлаётган ҳунрезликлар, инсоният тинчлиги, тараққиётга ҳавф солаётган ёвуз қучларнинг террористик хатти-ҳаракатлари дунё халқларини ташвиш ва ҳавотирга солмоқда. Бундай мураккаб даврда огоҳ бўлмоқ зарурати қучайиб, “Ўз уйингни ўзинг асра”, деган ҳикматнинг ҳаётини мазмунини янада равшанроқ англамоқда.

Ўз уйимизни Ўз имиз асрайлик

— Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, барча соҳаларда муваффақиятли кечаётган туб ислохотларнинг ижобий натижалари, одамларимизнинг фаровон турмуши қиларгадир ёқмаслиги, қай бир ёвуз қучларнинг ғашини келтириши ҳеч кимга сир эмас, — деди Нишон тумани бош имом-хатиби Ражабхон Қиёмов. — Маълумотларга қўра, хориждаги террорчиларни тайёрлайдиган марказларда тайёргарликдан ўтиб, ўз ёвуз мақсадларини амалга оширишга уринаётган қимсалар турли йўллари билан юртимизга суқилиб киришга уринаптилар. Бугунги кунда сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг хотиржам ҳаётини химоя қилиш нафақат чегарачиларга, балки ҳар бир кишига, айниқса, чегара ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолига, хусусан, туманимизнинг “Таллимаржон” маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари зиммасига катта масъулият юқлатди.

Учрашувда қатнашган тумандаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари ўз ҳудудларида ҳавфсизликни таъминлаш борасида олиб борилаётган

ишлар ҳақида ҳам сўз юритдилар. Чегара ҳудудда истиқомат қилаётган “Таллимаржон” маҳалласи аҳолисининг бугунги ҳаётини янада фаровон этишга қаратилган тадбирлар ҳусусида ҳам мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда халқ депутатлари Нишон туман Кенгаши партиядан сайланган депутатлар, “Наврўз” қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Сирожиддин Эгамбердиев, туман тиббиёт бирлашмаси фельдшери Тўйчи Эсонов, партия фаоллари Улғубек Ҳикматов, Рўйиддин Раупов, Азамат Умаровлар ҳам сўзга чиқиб, аҳолини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг турли маънавий таҳдидлардан асраш, улар қалбига Ватанга муҳаббат, мустақиллик қояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат тўйгуларини чуқур сингдириш долзарб вазифа эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ҳозиргача тумандаги коллеж ва мактабларда огоҳликка илдовчи бир қатор тадбирлар ўтказилди. Эндликда бу мавзудаги учрашувларни қорхона, ташкилот ва маҳаллаларда ҳам уюштиришга киришилди.

Комил САХАТОВ,
“Адолат” мухбири

Бола тиббий маданиятининг шаклланишида

таълим муассасаларининг ўрни

Давом. Бошлангич 1-бета

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Алкоголь ва тамаки махсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги «2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»-ги, 2016 йил 9 февралдаги “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарорларининг туб мақсади ҳам жамиятда, давлатда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болани ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсон сифатида вояга етказишда оила, таълим ва тиббиёт муассасалари, кенг жамоатчиликнинг масъулияти, дахлдорлигини оширишга қаратилган.

— Яқинда қабул қилинган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида олис ва чекка қишлоқ туманларида яшайётган аҳоли, айниқса, аёллар учун ижтимоий, маиший ва тиббий нукта назардан зарур шарт-шароитлар яратиш ишлари кучайтириш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилмалар объектини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш борасидаги ишлар баробарида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришга алоҳида ўрғ берилган, — дейди **партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари, Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси, қўмита аъзоси Наримон Умаров.** — Бу эса, ўз навбатида, барчамиздан аҳоли, кенг жамоатчилик ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, санитария ва гигиена қоидаларига амал қилиш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвартириш, уларнинг овқатланиш рақисини сифати ва калорияси яхшиланиши таъминланишига оид тушунтириш, тарбият ишларининг юқори босқичга олиб чиқишни талаб этади. Албатта, соғлом турмуш тарзи авваломдан оилада, шунингдек, маҳалла, таълим муассасаларида тизимли ишлар йўлга қўйилиши билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Тан олиш керак, сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимининг моддий-техник базаси, санитария-гигиена ҳолати мустаҳкамланди. Жумладан, 2015 йилда Қорақалпо-



Ўрганишлар давомида таълим муассасаларидаги тиббий хоналар зарур жиҳоз ва тиббий ускуналар билан таъминланганлиги, тиббиёт ходимларининг малака ва кўникмаси нечоғлиқ замон талабига жавоб бериши, муассасадаги ошхоналарда болалар учун тайёрланаётган овқатлар рақисини, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

салқилқар профилактикаси масалаларига қаратилаётган эътиборни ўрганиш, таҳлил этиш ва ечимини қутаётган масалалар бўйича мақбул таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида кўмитамиз аъзолари томонидан кўплаб ишлар амалга оширилганини кайд этиш даркор. Ўрганишлар давомида таълим муассасаларидаги тиббий хоналар зарур жиҳоз ва тиббий ускуналар билан таъминланганлиги, тиббиёт ходимларининг малака ва кўникмаси нечоғлиқ замон талабига жавоб бериши, муассасадаги ошхоналарда болалар учун тайёрланаётган овқатлар рақисини, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Олинган маълумотлардан келиб чиқиб, йўлга қўйилган ишларни янада тизимлаштириш, сифатини

яхшилаш мақсадида тегишли таклиф ва тавсиялар бериб боришмоқда. Бугунги давра суҳбатидан қўзланган мақсад ҳам тегишли идора ва вазирликлар, соҳа мутахассислари, кенг жамоатчилик билан аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтиришда яна нималарга эътибор қаратиш лозимлигини баҳам-жиҳатликда муҳокама қилиш, мавжуд ташкилий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш юзасидан тегишли қарор ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Шунингдек, давра суҳбатидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни тизимли амалга ошириш механизмларини, дастурий чора-тадбирларни амал-

таҳсил олаётган бўлса, уларнинг 212 нафари қизлардир. Ўйил ва қизларимиз бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун 20 дан зиёд фан тўғрисидаги мунтазам фаолият юритиб турибди. Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб эса қизларимиз учун гимнастика тўғрисидаги ташкил этилди. Қолаверса, туман тиббиёт ходимлари, “Тайпок” ҚФЙдаги фахрий отахон-онахонларимиз мактабимизга тез-тез ташриф буюриб, ёшларимиз билан турли мавзуларда суҳбатлар ўтказишди, ўқувчилар бу учрашувларда кўплаб саволларга жавоб олишди. Ўрганишлар шунинг кўрсатадики, болаларнинг кун давомидаги 70 фоиз вақти таълим муассасаларида ўтади. Шу боис мамлакатимизда таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болаларни спорт ва қизиқарли машғулотлар билан банд қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилаётгани айни муддаодир. 2016 йил — “Соғлом она ва бола йили”да бу борада амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини яхшилашга бел боғлаганмиз. Зеро, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини қучайтириш орқали ўйил-қизларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш барчамизнинг вазифамиздир.

Йилнинг якунида тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни янада қучайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирildi.

Кези келганда таъкидлаш жоиз, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосланган мамлакатимиз таълим тизимининг энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тарафдори бўлиб келаётган Ўзбекистон “Адолат” СДП мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, уларга берилаётган таълим-тарбиянинг сифатини янада яхшилаш ва соҳага доир қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилишга оид ғояларни илгари суриб келмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш лозимки, партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда ҳудудий ташкилотлари аъзолари ташаббуси билан соғлом авлодни шакллантиришда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада ривожлантириш, бошлангич таълимнинг юқори сифатини таъминлаш, илгор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг, давра суҳбатлари доимий ўтказилиб келинмоқда.

Саодат ЖАББОРОВА,
«Adolat» мухбири



Обод юртнинг кўркем масканлари

Маҳалла ҳаёти

Мамлакатимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг изчил ҳаётга татбиқ этилиши натижасида маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораёттир. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илгари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатида бўлган ўттиздан кўпроқ ижтимоий-иқтисодий вазифани самарали бажармоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ўзини ўзи бошқариш органнинг ҳуқуқий ва амалий фаолияти, давлатимиз томонидан уларга қаратилаётган эътибор ҳақида яққол тасаввур беради. Замонавий тузар доимо нурунийлар ва ёшлар билан гавжум. Бу ерда авлодлар учрашувлари ва мулоқотларини ташкил этиш, спорт, маданий, маърифий тадбирлар уюштириш яхши анъанага айланган.

— Тоza-озода, хонадонга кирган кишининг баҳри дили очилгани каби обод ва кўркем маҳаллада ҳам доим хушқайфият ҳукм суради, — дейди Жаззах тумани “Учтепа” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Султонбек Юнусов. — Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида “Учтепа”, “Янги-обод”, “Янгиҳаёт” маҳаллалари мавжуд. Уларда одамлар ҳаётини рози бўлиб, тинчлик-хотиржамликда умргузаронлик қилмоқда.

Бугунги кундаги ислохотлар самаралари мазкур қишлоқ фуқаролар йиғинидаги озода ва файзли хонадонлар, одамларнинг фаровон ҳаётида ҳам ўз ифодасини топтоқда. Қарийб ўн уч мингдан зиёд аҳоли исчиноқ қилаётган маҳаллада жамоатчилик фаолиятининг ҳар бир йўналиши тизимли ташкил этилган. Эл орасида обрў-эътибор қозongan маслаҳатчилар, фаол аёллар, посбонлар, комиссиялар раислари, ташаббускор ёшлар ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Учтепа” маҳалласининг қиёфаси бутун тубдан ўзгарган. Намунавий уйлар, замонавий иншоотлар қад ростлаган маҳаллада истикомат қилувчилар фаровон ҳаётини

хурсанд. Маҳалла идораси биносига қираверишдаги туркум плакатлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органнинг ҳуқуқий ва амалий фаолияти, давлатимиз томонидан уларга қаратилаётган эътибор ҳақида яққол тасаввур беради. Замонавий тузар доимо нурунийлар ва ёшлар билан гавжум. Бу ерда авлодлар учрашувлари ва мулоқотларини ташкил этиш, спорт, маданий, маърифий тадбирлар уюштириш яхши анъанага айланган.

Маҳаллада “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги асосида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Турли тўғрақларнинг ташкил этилгани ёшлар, айниқса, қизларга ҳунар ўргатиш, уларни оилага тайёрлашга хизмат қилмоқда. “Тенгдош-тенгдошга” тамойилининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши дарсларни ўзлаштиришда орда қолаётган, тарбияси оғир ўқувчиларнинг муаммоларини ҳал этишда муҳим омил бўлмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда маҳалла маслаҳатчиси ва посбоннинг алоҳида ўрни бор. Улар ҳар бир оиладаги аҳвол, ёшларнинг феъл-атвори, юриштиришдан доимий хабардор бўлиб, зарур пайтда керакли маслаҳат ва тавсиялар беради. Айниқса, ёшлар, янги оила қураётган йигит-қизлар билан алоҳида суҳбатлар уюштириб, уларни турли ёт ғоя ва тавсиялардан асраш, ҳар жиҳатдан соғлом ва мустаҳкам оила барпо этишга алоҳида эътибор қаратади.

Мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичла-

рига тўлиқ қамраб олиш, қол-леж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида ҳам махсус ҳамкорлик дастури асосида иш олиб боришмоқда. Бу ёшлар бандлигини таъминлаш билан бирга маҳалладаги маънавий муҳитни яхшилашда муҳим ўрни тутмоқда. Маҳалладан етишиб чиққан ёшлар спорт, таълим ва бошқа соҳаларда салмоқли натижаларга эришяпти.

Шунингдек, маҳаллада оилавий тадбиркорлик, хусусан, тикувчилик, хунарамандлик тобора ривожланмоқда. Ҳозирда ўнлаб ёшлар мохир хунарамандлардан касб сирларини ўрганмоқда. Аҳолига бу борада ҳуқуқий ва молиявий қўмақ кўрсатиш, ёшлар ўрта-сида тадбиркорлигини янада ривожлантириш мақсадида “Агробанк”нинг Жаззах тумани бўлими мутахассислари иштирокида мунтазам учрашув ва мулоқотлар ташкил этилаёттир.

Тўй-маросимларни миллий қадриятларимизга мос тарафда ўтказиш борасида ҳам ўзига хос тажриба шаклланган. Қим-дир тўй-маърака бошламоқчи бўлса, аввало, маҳалла раисидан маслаҳат олади.

— Маҳалламизда ўзига тўқ оиналар кўп, — дейди маҳалла раиси Иброҳим Файзуллаев. — Қунда-қунора бирон тўй-маросим ўтказилди. Хайриятки, кейинги пайтларда фалон қило ош дамлаб, фалонча одам чакирсам, деган ҳоҳа хаваслар барҳам топаёттир. Одамларнинг онгу тафаккури дунёқараши ўзгармоқда. Тўй ва маросим эгалари дабдабозликка кетадиган маблагини ўрнига бирон қўчадаги таъмирталаб асфальтнинг тўғрилиб, қўни-қўшнисининг дуосини оляпти, маҳаллани ободонлаштириш ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшишмоқда.

Албатта, маҳалладошлар ана шундай эзгу мақсадларда қўтаринчилик билан ҳалол меҳнат қилаётган мазкур маҳаллада келгусида амалга ошириладиган ишлар қўламини ва салмоғи янада ортади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«Adolat» мухбири

Мулоҳаза учун мавзу

Шарқ халқлари азалдан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб келади. Чунки дунёга келган ҳар бир бола жисмонан соғлом бўлиши билан бирга, ақлан етук, маънан бой бўлиши ҳам зарур. Маънавияти юксак, маърифатли авлод келахак таянчи, юрт ифтихори, ота-онанинг фахридир.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида ёш авлод онгига ҳеч қандай бўшлиқ бўлмаслиги лозим. Чунки, “бўш жойнинг эгаси топилади” деганларидек, тарбиядаги бўшлиқни энг аллаҳқа шай турганлар кўп ва бу ҳеч қимга сир эмас.

Бола тарбияси — машаққатли иш. Бу ишда ҳатога йўл қўйиб бўлмайди, ҳар бир янгилишни ёки эътиборсизлик қуни келиб жавоб талаб қилади. Дунё юзини кўрган чақалоқни оппоқ вараққа ўхшатишимиз мумкин, унга нимани ёзадиган, кейинчалик шунини ўқийсиз. Яъни, боланинг ким бўлиб

улгайиши сизнинг тарбиянгизга боғлиқ. Баъзи ота-оналар фарзандлари бирор нозғуя ишга қўл уришса ёки жиноят қўчасига киришса, улардан хафа бўлиб, диалари ранжиди, аммо бунинг сабаби ўзларига боғлиқ экани тўғрисида ўйлаб ҳам кўришмайди.

Ҳеч қим ёмон одам бўлиб дунёга келмайди. Бола оилада қандай тарбияланган бўлса, шундай хатти-ҳаракат қилади. Нотўғри ишга қўл урдими, англашимиз керакки, тарбиянинг қайсидир нуктасида ҳатога йўл қўйганмиз, лоқайдлик қилганмиз.

Болани одобли қилиб тарбиялаш учун, аввало, тарбиячининг ўзи тарбияли ва билимли бўлиши лозим. Бу борада аждодларимизнинг бой маънавий меросидан фойдалана билишимиз, асрлар оспса-да, ўз кадр-қимматини йўқотмай келаётган асарларидан ўрганишимиз керак. Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида фарзандни парвартиришда нималарга амал қилишимиз лозимлиги ҳақида қимматли маслаҳатлар берилган. Чунотини, тарбияни бадан тарбияси, фикр тарбияси ва ахлоқ тарбияси каби қисмларга ажратган ҳолда, уларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланмоқ зарур. “Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслаки-

ни тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан саклаб ўстурмакдур”, дейди А.Авлоний. Адиб тарбия қилувчиларни табибга ўхшатадики, табиб ҳастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби, тарбияни боланинг вужудидаги жажл маразига “яхши хулқ” деган давоини ичидан, “поклик” деган давоини устидан бериб қатта қилмоқ лозимлигини айтади.

Тарбия қасрдан бошланади? Бу саволга “оиладан”, деб жавоб берсак, ҳато бўлмайди. Чунки бола дунёга келиб, дастлаб ота-онаси томонидан тарбияланади. Бу босқичдаги тарбияни нисолнинг илдизига ўхшатишимиз мумкин. Илдиз қанчалик қақувват бўлса, унинг унинг-ўсиб кетиши шунча осон кечади. Иккинчи тарбия — мактаб тарбиясидир. Бола қатта

ҳаётга қўядиган қадамларини шу даргоҳдан бошлайди. Бу жойда таълим олаётган ўқувчинини ёш нисолга ўхшатиш мумкин. Унга яхши ишлов берилса, тўғри ўстирилса, албатта, бир кун келиб мева беради.

“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида ақли бола ҳақида шундай хикоят келтирилади. Бир бола қўшнининг уйига ўралган идишда таом олиб бораётган эди. Бир киши учар:

— Эй ўғлим, идишда нима олиб борясан? — деди. Ақли бола жавоб бериб:

— Эй отажон, идиш ичиндаги нарсани қишга айтмоқ ва кўрсатмоқ кимни бўлса эди, усти ўралмаган бўлур эди, — дейди.

Қиссадан ҳисса шуки, одобли, тарбияли бола ҳар қандай вазият-

да ҳам ақл билан иш қилган ҳолда, ўз мустақил фикрига, дунёқарашига эга бўлади. Бундай зийраклик ҳозирги кун талабларидан бири ҳисобланади. Ривожланган давлатларнинг ёшлари онгини “оммавий маданият”

ниқоби остида ёт ғоялар билан тўлдирмоқчи бўлганлар ўз ниятларига етмасликлари учун бола тарбияси ҳамиша диққат-эътиборда бўлмоғи зарур. Жорий йилнинг давлатимиз раҳбари таклифи билан “Соғлом она ва бола йили” деб номланиши, махсус Давлат дастури қабул қилинганлигидан қўзланган асосий мақсад ҳам фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашдир.

Назозат ҚҮРБОННЇЗОВА

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Хусусан, 2013 йил 10 апрелда янги тахрирдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши мазкур соҳани тартибга солувчи қонунчиликнинг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди.

Қонун соҳага оид қонунчиликни янада либераллаштириш, йўл ҳаракати иштирокчиларига қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг бу борадаги маданиятини оширишга замин яратди. Шунингдек, аҳоли хавфсизлиги ва саломатлигини муҳофаза этиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари, шунингдек, атроф-муҳитни химоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, ушбу қонун асосида транспорт воситаларини маст ҳолда ва телефонда гаплашган ҳолда бошқариш, ҳаракат тезлигини ошириш, хавфсизлик камарида фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик чоралари янада қучайтирилди. Йўловчиларни ташини, транспорт воситаларини бошқариш учун гувоҳномалар бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларининг такомиллаштирилган натижасида йўл-транспорт ҳодисалари камайишига эришилди.

Бундан ташқари, юртимизда сўнгги йилларда автотранспорт воситалари сони кўпайиши ва соҳага



ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этиб келинаётганлиги муносабати билан қонунчиликка тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиб келинмоқда.

Хусусан, 2015 йил 10 август куни қучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унга мувофиқ, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик

учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланди. Шунингдек, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз чиқарилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик

бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида ҳабар берилган қундан эътиборан 30 кундан кечиктирмай тўлаши лозимлиги назарда тутилди.

Қонун нормаларини амалиётга янада самарали жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги қарорига асосан “Йўл ҳаракати қоидалари”га бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Унга қўра, йўл ҳаракати доирасидаги ҳуқуқбузарликларни автоматик тарзда аниқлаш амалиёти кенг қўлланилиб келинаётганлиги сабаб “Фото ва видеофиксация” ибораси йўл ҳаракати қоидада ўз аксини топди ва маъмурий ҳужжатларда қайд этилишини назарда тутувчи нормалар киритилди. Бундан ташқари, ҳайдовчиларни огохлантириш учун “Фото ва видеофиксация” ахборот-ишора белгиси жорий этилиши белгиланди. Эндикда пиёдалар йўлларда юрганда, ўзлари учун ажратилган жойлардан кесиб ўтаётганда диктатни қалгитувчи нар-

салар, жумладан, телефон, планшетдан фойдаланиш, видео қўриш, га-зета, журнал ва китоб ўқиши тақиқланиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, турар жой ва уларга ёндош ҳудудларда (уй-жой қурилган ҳудудлар оралиғидаги йўллар)да транспорт воситалари соатига 30 километрдан юқори тезликда ҳаракатланиши мумкин эмаслиги мазкур қоидаларда белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, қонуннинг қоронғи вақтида ва қўриш шароити оғир бўлган ҳолатда мажбурий тўхташни амалга оширганда, транспорт воситасини таъмирлаш мақсадида йўлнинг қатнов қисмига чиқаётган ҳайдовчи ёрۇвлик қайтарувчи нимча (махсус жилет) кийиб олиши шартлиги белгиланди.

Эндикда автобуслар ва йўналишли транспорт воситалари, шунингдек, мотоцикллар ва мопедлар қонуннинг ёруғ вақтида ҳам яқини ёритувчи чироқларини ёкиб юришлари керак.

Янги ўзгаришларда, шунингдек, видеорегистратор ва навигаторлар ишлатиш ҳақида ҳам айтиб ўтилган. Фақат транспорт воситасининг олд қисмига ўрнатилган видеорегистраторлар ва навигаторлар ҳайдовчининг йўл вазиятини назорат қилишга ҳалал бермаслиги керак ва ҳаракат вақтида видеоқўрсатувлар томоша қилиш тақиқланади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, йўл ҳаракати қоидаларининг янги тахрири 2016 йил 1 мартдан бошлаб амалга киритилади.

Хулоса қилиб айтганда, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ҳаракат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилаётгани фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилиш, инсон ҳаётини асрашда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ақмал БУРХАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

? **Ҳуқуқий масалаҳат**

— Давлат қорхонаси балансидаги фойдаланиши самарасиз бўлган автомашини олди-сотди шартномасини қандай амалга оширишимиз мумкин?

Б.ФАРМОНОВ, Қарши тумани

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 179-моддасига қўра, давлат қорхонаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни ўзининг мулкдорининг розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқага усўлда тасарруф этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар қорхоналарининг асосий воситаларини ҳақда қўрилиши тўғрисидаги объектларини сотиш, шунингдек, уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 5-бандига асосан бюджет ташкилотларининг асосий воситалари бюджет ташкилотлари томонидан юқори ташкилот билан келишган ҳолда, ташкилот бўлмаган тақдирда — қонун ҳужжатларида мувофиқ мустақил сотилиди. Бунда бир инвентарь объектнинг қолдиқ қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг (бюджет ташкилоти томонидан сотиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган пайтда) 100 баравари миқдоридан ортиқчи ташкил этакдан автотранспорт воситалари, шунингдек, бошқа асосий воситалар қиймати баҳолаш ташкилоти томонидан баҳоланганидан кейин олмавий савдо-ларда сотилиши, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган асосий воситалар бюджет ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларида мувофиқ тўғрисида-тўғри шартномалар тузиш орқали сотилиши кўрсатилган. Кейинги ҳолатда ҳам юқори ташкилотнинг талабига қўра ёки ташкилотнинг ўз ташаббуси билан ушбу асосий воситалар уларнинг қиймати баҳолаш ташкилотлари томонидан баҳоланганидан кейин олмавий савдо-ларда сотилиши мумкин.

— Биз, уч киши 4 йил муқаддам ҳар биримиз 10 000 000 сўмдан улуш қўшиб масъулияти чекланган жамияти ташкил қилиб, шу вақтга қадар биргаликда фаолият кўрсатиб келаётган эдик. Яқинда бир шеригимиз ўзига тегишли бўлган улушини бизга ноталиш фўқарага 15 000 000 сўмга сотганигини билиб қолдик. Биз бу фўқародан сотиб олган улушини қандай тартибда қайтариб ёки сотиб олишимиз мумкин?

Ш.МУРТАЗАЕВ, Қарши шаҳри

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 224-моддасига қўра, мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтида қолган мулкдорлар сотилиётган улушун у сотилиётган нархда ва бошқа тенг шартларда имтиёзли сотиб олган ҳуқуқига эгадир (қимомиди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мўмасно).

Улушини сотувчи ўз улушини бошқа шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорларга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нархи ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт. Агар қолган мулкдорлар имтиёзли сотиб олган ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечсалар ёки бу ҳуқуқни ҳабар қилинган қундан эътиборан қўчмас мулкка нисбатан 1 ой мобайнида, бошқа мол-мулкка нисбатан эса 10 кун давомида амалга оширмас, сотувчи ўз улушини ҳар қандай шахсга сотишга ҳақлидир.

Улуш имтиёзли сотиб олган ҳуқуқини бузган ҳолда сотилган тақдирда, бошқа мулкдорлар 3 ой мобайнида сотиб олгучининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар.

— Елғиз ноиронман. Мехнатга қобилиятсизлигим сабабли, ўзим яшаб турган уйимни бировга менга қараб туриш шarti билан ўтказсам бўладими?

З.БОБОҚУЛОВ, Тошкент вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 530-моддасига қўра, сиз ўз номиниздаги уйингизни сизни моддий таъминот билан таъминлаш мажбуриятини зиммасига олган бошқа шахсга топшириб, бу ҳақда ўжрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйини бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тузишингиз мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш керак, ўжрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйини бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси нотариал тасдиқлангани шарт. Қонуний тасдиқланган шартнома келгусида содир бўлиши мумкин бўлган барча низоларнинг қонуний ечими ҳамдир. Агарда уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олгучи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тегишли даражада бажармаса, бошқа шахсга бериш таъминотини вақти-вақти билан ҳақ тарида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Саволларга Тошкент вилояти Адлия бошқармаси масъул ходимлари Машхура ҲОШИМОВА, Нигора МАДАМИНОВА ва Қарши шаҳар 3-сонли ДНИ нотариуси Юлдош УЗАКОВ жавоб берди.

Тадбиркор қонун ҳимоясида

➤ Адолат шарҳи

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, соҳа вакиллари янада қулай шароит ва рағбат яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани бежиз эмас. Зеро, кичик бизнес субъектлари бозор конъюктураси ўзгаришларига тезроқ мослашиш хусусиятига эга бўлиб, тадбиркорлар фаолияти учун яратилган қулай шароит уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти, бандлиги, капитал қўйилмалар ва экспортдаги улуши ортишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг турмуш фаровонлиги, янаша тарзи, дунёқараши ўсишига сабаб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чоралари тўғрисида”ги Фармони ва шу фармон асосида қабул қилинган қонун ва қонунности ҳужжатлар мамлакатимизда мулкчилик шаклини тубдан ўзгартириш бўйича олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишларни юқори босқичга олиб чиқди. Бинобарин, бу меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этишда, хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини химоя қилиш, уларнинг фаолияти кафолатларини қучайтириш масаласини ҳал этишда суд органларининг масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, ҳўжалик ишларини тезкорлик билан қўриб чиқиш мақсадида Ҳўжалик процессуал кодексининг 116-, 122-моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, ҳўжалик судлари томонидан даъво аризасини қўриб чиқишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача камайтирилди. Қонун билан Ҳўжалик процессуал кодексининг 125-моддасига ҳам қўшимча киритилган бўлиб, унга қўра давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахснинг шундай ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ишни қўриб чиқиш муддати 30 кундан 15 кунга қисқартирилди. Бу эса тадбиркорлик субъектларига

қисқа муддатда ўз бузилган ҳуқуқларини суд орқали тиклаш имконини бермоқда.

Яна бир муҳим қоида: ҳўжалик судларига ҳўжалик ишнни қўриб чиқиш пайтида давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг низолаштирилган ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилди. Яъни, эндикда ҳўжалик судлари давлат органининг қарори ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида берилган аризаларни қўриб чиқиш пайтида, низоли қарор тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқини бузаётганлигини аниқласа, унинг ижросини тўхтатиб туриш мумкин. Мазкур ўзгаришнинг киритилиши натижасида низоли қарор бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг бузилишини тўхтатиб туриш имкони яратилди.

Қонунчиликка киритилган яна бир муҳим ўзгаришлардан бири шундан иборатки, давлат органининг қарори, унинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига зарар етказилган бўлса, суд томонидан ушбу зарарни ундириш ҳақидаги ишни қўриш ҳамда ҳал қилув қарори қабул қилинишига қадар суд даъвои таъминлаш чораларини қўриши шартлиги белгиланди. Мазкур ўзгаришнинг киритилиши ҳам низо бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқини химоя қилиш имконини яратди.

Яна бир муҳим аҳамиятга эга бўлган янгилик шуки, энди мулкдорлар — хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги аризалар билан мурожаат қилишганида давлат божини тўлашдан озод этилдилар. Бун-

да, агар бундай мурожаатлари асосиз бўлган тақдирда ҳам улардан давлат божни ундирилмайди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича ҳам тарафлар давлат божидан озод этилди. Мазкур қўшимчаларнинг киритилиши натижасида мулкдорларнинг судга мурожаат қилишидаги барча тўсиқлар бартараф этилди, уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судга химоя қилиш учун барча шароитлар яратилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, 2015 йилда ҳўжалик судлари томонидан хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва фермер ҳўжаликлари-нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилишга оид 32828 та иш қўрилиб, уларнинг фойдасига 688,3 миллиард сўм ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Ушбу давр мобайнида ҳўжалик судлари томонидан назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги жами 1706 та аризалари рад қилиниб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари химоя қилинган. Хусусан, ушбу аризаларнинг 1242 таси қарздор томонидан иш мазмунан қўриб бўлинганга қадар текшириш жараёнида аниқланган қамчиликлар тўлиқ бартараф этилганлиги учун, 285 таси аризадаги важлар ўз тасдиғини топмаганлиги учун, 168 таси тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлиги учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этганлиги учун, 10 таси назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган текшириш тартиб-қоидалари бузилганлиги учун шуларнинг 2 таси текшириш муддати бузилганлиги, 2 таси Кенгашнинг режасидан қўчирма (назорат қилувчи орган раҳбари буйруғи)нинг мавжуд эмаслиги, 2 таси моддий ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, 2 таси текшириш предметидан четта чиқилганлиги, биттаси текширувчилар таркиби бузилганлиги, биттаси текширишлар дафтри тўлдирилмаганлиги учун) рад этилган.

Масалан, туман давлат солиқ инспекцияси ҳўжалик судига мурожаат этиб, якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан 1,5 миллион сўм, 119-моддасига асосан 2,8 миллион сўм, жами 4,3 миллион сўм миқдорда молиявий жарима қўллаш-ни сўраган.

Ишни судга қўриш жараёни-

да якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти юзасидан ўтказилган қисқа муддатли текширишда уни ўтказиш қоидалари бузилганлиги аниқланган. Жумладан, судга тақдим этилган қисқа муддатли текшириш да-лолатномаси 2014 йил 13 июнда тузилган. Лекин якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти бўйича қисқа муддатли текшириш ўтказиш ҳақидаги солиқ инспекциясининг буйруғи 2014 йил 14 июнда чиқарилган. Яъни, текшириш, уни ўтказиш ҳақида буйруқ чиқарилмасдан бир кун олдин амалга оширилган.

Шунинг учун давлат солиқ инспекциясининг якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган. Ишни қўриш якуни бўйича йўл қўйилган қамчиликларни бартараф этиш ва келгусида ушбу қамчиликларни қайта такоррламаслик юзасидан зарурий чоралар қўриш ҳақида вилоят Давлат солиқ бошқармасига хусусий ажрим юборилган. Хусусий ажримни қўриб чиқиш натижалари бўйича туман ДСИ ходимига нисбатан «хайфсан» интизомий жазо чораси қўлланилган.

Яна бир мисол. Туман хокимиятининг 2013 йил 13 августдаги 423-сонли қарори асосида 170,36 кв.м.дан иборат бўлган хусусий қорхонага тегишли савдо дўқони бузилган. Баҳолавчи ташкилот хисоботига қўра, бузилган савдо дўқонининг қий-мати 66 447 341 сўмни ташкил қилган. Савдо дўқонини бузиш натижасида хусусий қорхонага етказилган зарар қоплаб берилмаган.

Шунинг учун хусусий қорхона жавобгарлар — вилоят ва туман хокимиятларига нисбатан ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, савдо дўқони бузилиш натижасида етказилган 66 447 341 сўм зарарни ундиришни сўраган.

“Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”-ги қонуннинг 19-моддаси биринчи қисмига қўра, давлат органининг мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қара-

тилмаган қарори, шу жумладан, мулкдорга қарашли уй, бошқа иморатлар, ишнотлар ёки довраҳатлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига фақатгина қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиб, бунда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг мол-мулк берилади ва у қўрган бошқа зарарларнинг ўрни қопланади ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши туфайли етказилган зарарнинг ўрни тўла ҳажмда қопланади.

Шундан келиб чиқиб, ҳўжалик суди томонидан қонун ҳужжатлари талабларига асосланган ҳолда хусусий қорхона фойда-сига вилоят ва туман хокимлик-лари ҳисобидан солидар тартиб-да 66 447 341 сўм зарар унди-риш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Бошқа бир мисол. Ишлаб чиқариш қорхонаси жавобгар Суд департаментининг ҳудудий бошқармасига нисбатан ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, суд ижрочиларининг хатти-ҳаракатларини ноқонуний, деб топишни сўраган.

Ишни ҳўжалик судига қўриш жараёнида суд ижросини томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигиндан 2342-рақам билан рўйхатдан ўтган “Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақаларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома талабларига зид равишда ундирувчи қорхонанинг ундирув қаратилмайдиган банк ҳисоб рақамига қаратганлиги аниқланган.

Ҳўжалик суди суд ижросининг ушбу ҳаракатини ноқонуний деб топиш ҳақида ҳал қилув қарорини қабул қилган. Ишни қўриш якуни бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларга нисбатан интизомий жа-вобгарлик чораларини қўриш ҳақида Суд департаментининг ҳудудий бошқармасига хусусий ажрим киритилган. Хусусий ажримни қўриб чиқиш натижалари бўйича суд ижросидаги нисбатан “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилган.

Хулоса ўрнида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 56,7 фоизга етгани ёки 2000 йилдан буён 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундай экан, ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати яхшиланиши ва мамлакатимиз ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллашига ҳисса қўшаётган соҳа вакилларины муносив даражада химоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш барчамизнинг вазифамиз эканлигини унутмаслик даркор.

Ойбек ЖўРАЕВ,
Олий ҳўжалик суди судьяси,
Саодат СОДИҚОВА,
«Адолат» мухбири

Ёшлар инновацион ғоялар ташаббускори

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, илм-фан ютуқларини амалиётда қўллаш, соҳага илғор технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Бу эса ёш олимларнинг илмий салоҳиятини янада юксалтириш имконини бермоқда. Ўзбекистон “Адолат” СДП сафидаги бир гуруҳ ёшлар иштирокидаги IX инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасининг Андижон давлат тиббиёт институти босқичида ана шу фикрлар ўз ифодасини топди.

Тадбирда андижонлик ёшларнинг илм-фан ривожини йўлида эришадиган ютуқлари ҳақида сўз юритилиб, изланувчан йигит-қизларнинг сафни кенгайтириш борасида алоҳида таъкидланди.

Кўргазмалар 5 та инновацион гуруҳ доирасида ташкил этилиб, унда мутлақо янги ғоя, техник ишланма ва ихтиролар намоиш этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ички касалликлар, кардиология ва инфекцион касалликлар профилактикаси, жаррохлик, травматология ва ҳарбий дала жаррохлиги каби йўналишлар бўйича тақдим этилган 63 та лойиҳа ўзига хос янгилар билан иштирокчиларда кизикниш уйғотди. Бу лойиҳалар муаллифлари орасида тажрибали профессор-ўқитувчилар изидан бораётган мустақил тадқиқотчилар ва икtidорли талабалар қўпчилигини ташкил этади. Улар илм-фанга оид янгилар, ихтиро ва техник ишланмалари билан ўз қобилият ва интеллектуал салоҳиятларини кўрсатдилар.

— Бундай тадбирлар инновацион фаолиятимизни ривожлантириш, тажриба алмашиш ва янада изланишга ундайди, — дейди Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифохонасида фаолият юритаётган изланувчан ёш олим Мухаммадхўш Тешабоев. — 2015 йилда Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган республика “Ёш олимлар” танловида “Юз ва бўйин соҳаси қуйган беморларни жаррохлик йўли билан даволаш” мавзусидаги илмий ишм юқори ба-



холаниб, 1-даражали диплом билан тақдирландим. Хозирда устозларим кўмагида мавзунини янада мустаҳкамлаш устида иш олиб бораётган.

Бугунги кунда тиббиёт муассасаларида илғор ускуналар ва тезкор ташхис қўйиш ҳамда самарали даволаш йўлга қўйилмоқда. Бунда янгилар яратувчи ёшларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ана шундай изланувчан талабалардан бири, “Ёш адолатчилар” қаноти фаоли Ахрорбек Нуриддинов кўлок, бурун ва томоқ касалликларини даволашда фойдаланиладиган тиббий қайчи яратди. “Топсес-1” дея номланган бу тиббий асбоб ёрдамида

болаларда қўп учрайдиган сурункали тонзилитни жаррохлик йўли билан даволашда юзага келувчи салбий оқибатларни камайтириш мумкин. Хозирги кунда амалиётда ундан кенг фойдаланилмоқда.

Акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти Саодат Шокированын лойиҳасида аёллардаги ҳомиладорлик асоратлари тахлили ва диагностикасини такомиллаштириш кўзда тутилган. Бу борада Андижон шаҳридаги тиббий муассасаларда олиб борилган дастлабки тажрибалар ижобий натижа бермоқда.

— Бола соғлом туғилиши учун онани ҳар қандай касалланишдан сақлаш ва ўз вақтида даволаш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ, — дейди изланувчи С.Шокирова. — Биз илгари сураётган тиббий-математик баҳолаш ёрдамида ҳомиладор аёллардаги касаллик эрта аниқланиб, даволанади. Бу билан соғлом фарзанд дунёга келишига эришиш мумкин.

— Институтиимизда икtidорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, тиббиётни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга жалб этиш мақсадида “Ёш олимлар” ва “Ёш ихтирочилар” клублари ташкил этилган, — дейди илмий ишлар бўйича институт проректори Ф.Ҳошимов. — Қолаверса, изланувчан талабаларга масъул раҳбарлар бириктирилган. Бу савий-харақатларимиз натижасини бугунги ярмаркада уларнинг фаол иштироки аққол кўрсатиб турибди. Таъкидлаш жоизки, ишланмаларни саралашда тиббиёт талабига жавоб бериши, амалиётга татбиқ этишга тайёрглиги каби бир қатор омилларга эътибор берилди.

Тадбир якунида танлов хайъати томонидан “Энг фаол ёш илмий тадқиқотчи”, “Энг фаол илмий тадқиқотчи аёл” ва “Энг оригинал лойиҳа муаллифи” каби қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Акбаржон НАЗАРОВ,
“Adolat” мухбири

Reklama

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ-ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2016 йил манзилли қурилиш рўйхатига киритилган қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот 13-2. «Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги 8-сонли мактабда 12х24 м ўлчамли спорт зал қурилиши»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — 680 000 000 сўм (ҚҚС билан), 566 666 660 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2016 йил 1 сентябрь.

Лот 13-3. «Бухоро шаҳридаги 37-сонли мактабда 12х24 м ўлчамли спорт зал қурилиши»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — 680 000 000 сўм (ҚҚС билан), 566 666 660 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2016 йил 1 сентябрь.

Лот — 19

Лот 19-1. «Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги 3-сонли болалар мусика ва санъат мактабини реконструкция қилиш»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — 1 955 797 760 сўм (ҚҚС билан), 1 629 831 466 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2016 йил 1 сентябрь.

Лот 19-2. «Бухоро вилояти, Жондор туманидаги 30-сонли мактабга қўшимча 12х24м ўлчамли спорт зал биноси қурилиши»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — 664 787 470 сўм (ҚҚС билан), 553 989 558 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2016 йил 1 сентябрь.

Лот — 20

Лот 20-1. «Бухоро вилояти, Олот тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (45 шифо ўринли терапия бўлими, 30 шифо ўринли юқумли касалликлар бўлимларини мукамал таъмирлаш ва бошқа объектлар)»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — 4 475 406 170 сўм (ҚҚС билан), 3 729 505 142 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2016 йил 1 октябрь.

Лот 20-2. «Бухоро вилояти, Вобекент туманидаги 4-сонли мактабини мукамал таъмирлаш»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — 1 122 723 830 сўм (ҚҚС билан), 935 603 192 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2016 йил 1 август.

Лот — 21

Лот 21-1. «Бухоро шаҳридаги Пиридастгир кўчасида жойлашган Солиқ коллежини реконструкция қилиш (240 ўқувчи ўринли ўқув блоқи қурилиши)»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — 944 495 920 сўм (ҚҚС билан), 787 079 933 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2016 йил 1 сентябрь.

Лот 21-2. «Бухоро вилояти, Қорақўл туманидаги тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш (4-этап)»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — 3 651 170 740 сўм (ҚҚС билан), 3 042 642 283 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2016 йил 1 ноябрь.

Лот 21-3. «Бухоро вилояти, Бухоро шаҳридаги вилот кўп тармоқли тиббиёт марказини реконструкция қилиш (4-этап)»
Буюртмачининг бошланғич қиймати — 3 295 219 510 сўм (ҚҚС билан), 2 746 016 258 сўм (ҚҚСсиз).

Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2016 йил 1 ноябрь.

Лот-22. «Бухоро вилояти, Бухоро шаҳрида жойлашган вилот Сил диспансерини реконструкция қилиш (100 шифо ўринли даволаш бўлимини қуриш, 40 шифо

ўринли даволаш бўлимини реконструкция қилиш ва бошқа объектлар)»

Буюртмачининг бошланғич қиймати — 5 636 543 130 сўм (ҚҚС билан), 4 697 119 275 сўм (ҚҚСсиз).
Қурилиш ишларини тугатиш муддати — 2016 йил 1 ноябрь.

Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Турар ва нотурар уй-жой биноларини мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100% ни ташкил қилади.

Марказлаштирилган капитал қуйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилди.

Танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Бухоро вилояти ҳокимлиги хузуридаги ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси.

Манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй.

Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қаролатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (қисматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва қўнимчаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари қатнашчиларининг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй.

Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламанинг қиймати — 120 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчиси тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 6-уй.

Изоҳ: Тақлифлар (оферталар) очилишининг аниқ кунини ва соати талабдор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдоси ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.

ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

«ОАВларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурлар амалга оширилишининг боришини ёритишга, давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзусида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини эълон қилади

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг амалга оширилишининг бориши ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлом фарзандни тарбиялашдаги ролини ошириш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган аниқ мисолларга асосланган махсус телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар, мақолалар, репортажлар тайёрлаш.

2. Ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларини, жумладан, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ННТлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини ёритиш.

3. 2011, 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган, давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган тузатишларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

4. Давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорлардан аҳолининг, фуқаролик жамияти институтларининг хабардорлигини ва кенг фойдаланишини таъминлаш.

5. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши, оила, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

6. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, жамоат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида жойлардаги давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилиши ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш.

7. Жамиятда юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллатлараро ва динлараро тотувлиқни таъминлашда маҳалла институтининг роли ва аҳамияти ҳақида аҳолининг кенг хабардор қилиш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда намунали маҳаллаларнинг иш тажрибасини омаллаштириш.

ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ННТларни кенг жалб қилиш» мавзусида ННТлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини эълон қилади

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Оила ва жамиятда аёлларнинг роли ва мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларида аёллар фаолиятини муносиб рағбатлантириш, аёлларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш ҳамда кундалик уй меҳнатини енгилаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

2. Қиз болаларнинг — бўлажак оналарнинг замонавий билимлар ва касбларни эгаллашларини таъминлашга қаратилган ишларни кучайтириш, уларда ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш, келажақда соғлом ва мустахкам оила қуришининг асосий шарт сифатида қатъий ҳаётий позицияни ва мустақил фикрлашни шакллантириш.

3. Мустахкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳ тузишдан олдин тиббий қўриқдан ўттириш мумкинлигини, шунингдек, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги ахборотни аҳолининг кенг қатламлари оңига етказиш.

4. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитариya ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлигини сақлаш ва психофизиологик аҳолининг яхшиллаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш, уларнинг овқатланиш рашонининг сифати ва калориялигини таъминлаш масалалари юзасидан кенг ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш.

5. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом бола тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва раванқ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустахкамлаш масалаларига бағишланган амалий тадбирларини амалга ошириш.

6. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустахкамлашнинг муҳим шарт сифатида оилаларда соғлом маънавий мухитни, ҳуусан, эр-хотин, ота-оналар ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасида, қўшиллар ўртасида ўзаро ҳурмат-аҳтиром, эзгулик ва меҳр-муҳаббат мухитини яратишга кўмаклашиш.

8. Ҳудудий ОАВларда мамлакатини ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий масалалари бўйича сиёсий партияларнинг нуктан назарини очиб берадиган, парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолияти ҳақида хабардор этадиган тахлилий материаллар тайёрлаш.

9. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги ҳамда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, жойларда ушбу қонунлар нормалари амалга оширилишининг бориши, фуқароларнинг ахборот олишига бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш бўйича қўриладиган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузувот хати;

2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;

3. Охириги ўзгариш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) нусхаси;

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори — 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 10 февралдан 10 мартгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди» номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
(0-371) 239-26-76, 239-26-64.

ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ННТларни кенг жалб қилиш» мавзусида ННТлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини эълон қилади

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Оила ва жамиятда аёлларнинг роли ва мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларида аёллар фаолиятини муносиб рағбатлантириш, аёлларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш ҳамда кундалик уй меҳнатини енгилаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

2. Қиз болаларнинг — бўлажак оналарнинг замонавий билимлар ва касбларни эгаллашларини таъминлашга қаратилган ишларни кучайтириш, уларда ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш, келажақда соғлом ва мустахкам оила қуришининг асосий шарт сифатида қатъий ҳаётий позицияни ва мустақил фикрлашни шакллантириш.

3. Мустахкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳ тузишдан олдин тиббий қўриқдан ўттириш мумкинлигини, шунингдек, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги ахборотни аҳолининг кенг қатламлари оңига етказиш.

4. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитариya ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлигини сақлаш ва

➤ 1 март — Зулфия таваллуд топган кун

1994 йил баҳорнинг илк кунларида атоқли шоира Зулфиянинг 80 ёшлик тўйи олдидан кўрсатув тайёрлаш учун у кишининг хонадонига бордик. Зулфия опа таклифимизни “кекса одамнинг телеэкранга чиқиши қандай бўлар экан?” дегандек андиша билан қабул қилди. Шунга қарамай у кишидан салкам икки соат давомида янги шеърларидан намуналарни, ҳаёт, адабиёт, ижод олами ҳақида ўй-фикрларини видеотасмаларга ёзиб олдик. Уларнинг бир қисми ўша пайтда телеэкран орқали намойиш қилинди. Айрим мулоҳазалари кейинроқ фойдаланиш учун архивимизда сақланиб қолди. Мана, шунга ҳам орадан 22 йил ўтбди. Бу йил шоира таваллудига 101 йил тўлади. Шу муносабат билан газетада унинг матбуотда эълон қилинмаган мулоҳазаларидан бир қисmini эътиборингизга ҳавола этишни маъқул топдик.

— Ифтихор билан айтишим керакки, мен адабиётда Гафур Гулом, Хамид Олимжон, Уйғун, Ойбек, Собир Абдулла, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби ижодкорлар мухитининг ҳосиласиман. Қанча ижодий сабоқ олган бўлсам, шу устозлардан олдим. Улар нафақат ижод оламида, балки ҳаётда ҳам етук шахслар эдилар. Шунинг учун ҳаёт сабоқларидан ҳам улар билан бирга баҳраманд бўлдим. Мен улардан доим миннатдорман. Бу миннатдорлик туйғулари доим сатрларимга тўкилади:

**Халқ тақдирин бир жилғасидай
Хар инсондан тилайман баҳра.
Сув унутган қум заррасидай,
Уйрим сочиб, ўқинмай катра —**

**Ҳаво кезиб, чарчаган қушдай,
Қўниб, кучиб, кезгум Ватаним
Ва меҳнатдан нақ ипак куртдай,
Тўхтамасан, тинмас қалбим.**

Баъзан мендан “Сизнинг аёллик, оналик, бекалик бахтингизга, қувончингизга шеърят халал бермайдими?” деб сўрашади. Бунга жавобан “Йўқ, халал бермайди. Аксинча, ёрдам беради!” дейман. Қандай қилиб дейсизми? Мана, масалан, бир кун баҳор тонгида ўғлимнинг ётонига кирдим. Ором олаётган ўғлимнинг сабза урган мўйловини қўриб қувончдан, шодликдан донг қотдим. Ўша ерда қувончларим шеър

рий мисраларга айланди. Бу шеърим китобларимда ҳам нашр этилди. Тўғри, четдан қараган одамга бу ҳолат оддий воқеадек туюлиши мумкин. Лекин бу оддий воқеага оналарнинг қалб призмаси орқали бир назар ташланг-чи! Ахир мўйлови сабза уриб бўй етган, ҳаётда ўзига ёрдамчи пайдо бўлганидан еру қўққа сиғмаган оналарнинг қувончлари кимни хайратга солмайди, дейсиз! Айниқса, мендай оналарнинг ўғли камоли учун хис-ҳаяжонларини бир тасаввур қилиб кўринг. Бу қувонч, хайрат туйғуларини оддий сўз билан ифодалаб бўладими? Албатта, йўқ. Шундай пайтда қалб ва тафаккурнинг меваси бўлган шеърят бундай бахт сурурини дилнингизга жойлайди.

Бир йили Америка адабиёти намоёндаларидан бири Габриэла Мистраль деган адибанинг сочмаларини ўқиб қолдим. Улардан баъзиларини таржима ҳам қилдим. У асарларида оналик бахтига эришган аёлларнинг қувончлари, фарзандига меҳр-муҳаббатни, бола онанинг ҳаётда топган буюк неъматни эканлиги ҳақида шундай тўлиб-тошиб ёзганки, гўё дунёда бу адибадан бошқа бирор аёл бундай бахтга эришмаган дейсиз. Кейин билсам, Габриэла ҳаётда фарзанд кўрмай яшган экан. Шунинг учун у ҳаётда топмаган бахтини ижода топган, шеърятга суяниб яшаган экан.



Баҳор ҳақидаги бир шеъримда бундай деб ёзганман:

**Синди қиш тўқиган муз хисли қарас,
Мана, қушлар яна чуғурлаб қолди.
Она нигоҳидай мулоим нафас,
Замину осмонни бағрига олди.
Демак, баҳор келди.**

Бу мисралардаги хис-туйғулар, баҳорий гўзаллик, латофатни оддий сўзда ифодалаб бера олмаслигим аниқ. Шунинг учун баҳор ҳақидаги ўйларим шеърга айлانган. Бошқачароқ айтганда, шеър менга ҳаётни англашга, англашга, дунёни билишга, қалбимдаги туйғуларни ифодалашга, яшашга, барча ишларимни амалга оширишга ёрдам беради. Шеърят менга куч бағишлайди, ҳаётга муҳаббат уйғотади, бахт учун курашга ундайди. Шунинг учун уни ҳаётдаги қанотларим, дейман.

Таржима борасида қилган ижодий ишларим кўп, дея олмайман. Тўғри, мен бу борада ижодий фаолиятимни олис 30-йилларда Пушкин шеърларини тилимизга ўтиришдан бошлаганман. Кейин қардош халқлар шоирларининг

энг яхши шеърларини ўзбекчага аудардим. Мен таржималарни топириқлар асосида амалга оширмаганман. Кимларнинг асарлари ўзимга маъқул бўлса, ўшаларни таржима қилганман. 80-йилларнинг бошларида бошқирд адиби Мустай Каримнинг “Ой тутилган тунда” асаридан парчаларни журналлардан бирида ўқиб қолдим. Ниҳоятда маъқул бўлди. Кейин бу асарнинг тўлиқ нусхасини муаллифнинг ўзидан илтимос қилиб олиб, таржима қилдим. Асардаги ҳамма нарсаси — унинг гоёси, тили, воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар қиёфаси, одамлар ўртасидаги муносабатлар, фожеяна ҳолатлар, барчаси дилimgа муҳрланди. Мен гўё асарни бошқа тилдан таржима қилмадим, балки ўзимникидай жайга яратдим. Бундай ҳолатта Некрасов асарларини таржима қилганда ҳам тушганман. Унинг “Княгиня Волконская” ва “Княгиня Трубецкая” поэмалари менга ниҳоятда маъқул тушган. Шу сабаб бу поэмаларни Мақсуд Шайхзода, Охундий каби ижодкорлар таржима қилганига қарамай мен ҳам таржима қилдим. Иккала асардаги муҳаббат, хижрон, айрилиқ, севги изтироблари, аёлларнинг қайғулари, хис-ҳаяжонлари барча-барчаси қалбimgа яқин эди. Шунинг учун бу асарлар таржимасида Некрасов дардларига ўз дардларимни ҳам қўшиб берганман. Адабиётшунос олимлар таржимани ижодкорлар учун “ижодий сабоқ” дейишади. Бу тўғри. Лекин таржима бир тилдан иккинчи тилга сўзмас-сўз қўчганда эмас, балки бир қалбдан иккинчи қалбга тўла етиб борганда, асар бошқа халқнинг ҳам маънавий бойлигига айлانганда ҳақиқий “ижодий сабоқ”қа айланади. Чунки ҳақиқий асарнинг миллати, дини, ирки бўлмайди. Ватани эса, қалб бўлади.

Кейинги йилларда газеталар, журналлар тахрирларига “менинг нима ишлар қилаётганим, қандай асарлар ёзаётганим” ҳақида муштарийлардан саволлар битилган мактублар келаётганидан хабардорман. Улар тахририятлар орқали менга етиб келмоқда. Бунинг учун, аввало, муштарийларга миннатдорлик билдираман. Маълумки, ижод аҳли ёши улғайганда кичик нарсалар ёшидан кўра катта, яхлит эпик асарлар ёзишни маъқул кўради. Албатта, бу катта асарларни бирданга ёзиб бўлмайди. Чунки бу пайтда ёшликнинг жўшқинлигини кексаликнинг мулоҳазакорлиги эгаллайди. Шу маънода мен ҳам ёзаёман. Бошлаган асарларим ниҳоятда кўп. Хамид Олимжон ҳақида ҳам шеърини йўлда, ҳам насрда хотирлар битаяман. У ҳақда қанча ёзсам кам. У ниҳоятда қамтар, истеъдодли инсон эди. Эътиқодли, имони бут шоир эди. Меҳрибон ота эди. Юртга фидойи эди. Унинг билан бирга кечган умрим қалбим тўрида энг бахтли давр сифатида муҳрланиб қолган. Шунинг учун у кишига бўлган муносабатда имон-эътиқодимдан тойган эмасман. Мен учун муҳаббат ҳам, қанча аламли, қайғули бўлмасин хижрон ҳам имон-эътиқодга айланган.

Яна тарихимизнинг ўзим гувоҳи бўлган аламли дардлари, собиқ шўро даври қатағонлари, бу қатағонларда кўрбон бўлган жигарғўшаларим ҳақида эсдаликлар ёзаётибман. Халқимизнинг, Ватанимизнинг мустамлакачилик зулмларидан халос бўлиб, истиқлолга эришгани қайси ижодкорнинг қалбини

тўлқинлантирмайди, дейсиз? Бу барча ижод аҳли, жумладан, мен учун ҳам асосий мавзу бўлиб келган. Энди у ҳақда енгил-епли асарлар эмас, жиддий, халқимиз қалбига етиб борадиган энг сара асарларимизни яратишимиз керак:

**Ажнлар из солган кенг пешонамин
Истиқлол ҳаётбахш қўли силасин.
Қатагон йиллари йитган жигарлар —
Довини тортоққа тоқат тиласин!**

Бундан беш-олти йил илгари “Тонг билан шом ора” деб аталган китобим чиқди. Ўша менинг нашр қилинган сўнгги китобим. Лекин ўйлайманки, охириги китобим эмас. Чунки кейинги йилларда ёзган шеърларим, асарларим тўпламларга кирган эмас. Айниқса, кейинги йилларда “Шарқнинг ўзи она бўлган хамша” деб номланган туркумда қўллаб шеърлар ёздим. Бу ниҳоятда улғу мавзу. Чунки биз шарқнинг улғу халқларидан биримиз. Бизнинг тарихимиз буюк. Минглаб йиллик тарихга эга “Авесто”, “Алпомиш” каби асарларимиз, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Жалолдин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур каби улғу аждодларимиз бўлган. Бугунги кунда ана шулар ҳақида асарлар ёза бошладим. Хуллас, хали юртимиз, халқимиз олдида қаримиз кўп.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия опанинг ижодий орзулари кўп эди. Унинг бу ижодий ниятларининг бир қисми амалга ошди. Ёзишни ният қилган асарларининг айримларини китобхоналар эътиборига ҳавола қилди. Улар янги китоблар саҳифаларида нашр этилди. Шоира вафотидан кейин хотираси улуғланиб, номига кўчалар қўйилди. Тошкент шаҳри марказида ҳайкали ўрнатилди. Республикамиздаги истеъдодли қизлар учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди ва бу мукофот билан қизлар ҳар йили тақдирланиб боришмоқда. Шоира номи, хотираси юртимизда доимо эъзозланади.

Нашрга Камол МАТЁҚУБОВ тайёрлади



ASAKA BANK

2016 йил 17 февралда

Moody's

халқаро рейтинг агентлиги

«Асака»
акциядорлик-
тижорат банкининг
рейтингини тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи

«БАРҚАРОР»

Хизматлар лицензияланган

Кичик корхонанинг ширин маҳсулотлари

➤ Молия муассасаларида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси мамлакатимизда аҳоли даромадларини ошириш, иқтисодий барқарорлик ва фаровонликни таъминлашнинг асосий манбаларидан биридир.

Бугунги кунда кўпгина ишбилармон ва тадбиркор кишилар ўз бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда муваффақиятга эришмоқдалар. Бунинг учун зарур шароит яратиш ва бирор иш бошлашда банкдан кредит олиш энг мақбул ечим десак, хато бўлмайди. Бу, ўз навбатида, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, даромадларни кўпайтириш, фойда олиш ва пировардида мамлакат иқтисодиётининг ўсишини рағбатлантиришга имкон беради.

Биз ҳам анъанавий миллий ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун айна шу йўлни танладик. Дастлаб катта ҳажмда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш режалаштирилган эди. Аммо уй шароитида буни амалга

оширишнинг имкони йўқ эди. Бунинг учун махсус асбоб-ускуналар ва алоҳида хона зарур. Шу сабабли барча зарур нарсаларни харид қилиш учун банкдан кредит олишга қарор қилдик. «Микрокредитбанк»нинг фаолияти билан яқиндан таниш-



гач, банкнинг ҳудудий филиали хизматларидан фойдаланишни топдик. Бу бизга корхона ташкил этиш учун имтиёзли шартлар асосида, қамайтирилган йиллик фойз ставкаси билан кредит олиш имконини яратди. Кредит олиш учун аризамиз қисқа муддатда қўриб чиқилди ва корхонамиз учун 48 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Ушбу сармоя ҳисобидан зарур асбоб-ускуна ва материалларни харид қилдик ва қандолат цехини жихозладик. Қисқа вақт ичида шахримизда талаб юқори бўлган қандолат маҳсулотларини бозорга чиқаришга эришдик. На-

тижада бизнесимизни муваффақиятли йўлга қўйдик ва яхшигина даромад ола бошладик, оилавий бюджетимиз ўсишга эришдик. Буларнинг барчаси «Микрокредитбанк»нинг қўллаб-қувватлаши туфайли амалга ошди. Банк томонидан ажратилган сармоя ҳисобидан эндиликда биз янада кўпроқ ширинлик маҳсулотлари ишлаб чиқараёмиз.

Яқин ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлагани учун молиявий муассасадан жуда миннатдоримиз. Хозирда корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш, бозорда талаб юқори бўлган янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни режалаштираямиз. Шундай қилиб, биз банк билан самарали ва ўзаро манфаатли алоқаларни давом эттириш ниятидамыз.

**Анвар ҲАКИМОВ,
“Korazm Evro Servis”
хусусий корхонаси
раҳбари
(Ургачи)**



Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исроҳ ҲАМРОЕВ

Тахрир ҳайъати:

Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖУРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Дилором Маткаримова
Навбатчи — Бобиржон Тунатов

«Adolat»дан қўчириб босиш тахририят руҳати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-йў.
info@adolatgzt.uz

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақамдан билин 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Тўро кўчаси, 41-ўй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 200. Ааааа — 11971. Босишга топширилган вақти — 21.05. Босишга топшириқда — 21.40.

Баҳоси келишилган нархда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5217



1 2 3 4 5